

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС
ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

САМАРҚАНД ИҚТИСОДИЁТ ВА СЕРВИС ИНСТИТУТИ

**Қўлёзма ҳуқуқида
УДК**

Бекмухаммедова Мухайё Рузимуродовна

**Савдо техник жихозларини модернизациялаш билан савдо хизмат
курсатиш самарадорлигини ошириш (Самарканд шаҳар савдо
корхоналари мисолида)**

5А610101 - Хизматлар соҳаси

Магистр

**академик даражасини олиш учун
ёзилган диссертация**

Илмий раҳбар: т.ф.д., профессор Ж.М. Курбонов

САМАРҚАНД -2014

МУНДАРИЖА

	Кириш.....	3
1	Самарқанд вилояти савдо корхоналарнинг модернизация инновацион ҳолатининг тадқиқоти.....	6
2	Самарқанд вилояти савдо корхоналарини модернизация инновацион ҳолатини баҳолаш (“Омад маркет” савдо корхонаси мисолида).....	17
3	“Омад маркет” савдо корхонасининг самарадорлик кўрсаткичларининг таҳлили	
4	Замонавий савдо жихозлари ва уларнинг эксплуатацияси тугрисида адабиётлар таҳлили.....	20
4.1	Электрон назорат-касса машиналари	20
4.2	Касса POS-терминали ва система	29
4.3	Электрон тарозилар	
4.4	Салкин ичимликлар тайёрлаш, қуйиш аппаратлари ва уларнинг эксплуатацияси.	38
4.5	Савдо залларини салқинловчи аппаратлари ва уларнинг эксплуатацияси.	44
5	Самарқанд шаҳар «Омад маркет» савдо корхонаси материал техник базасини модернизациялаш билан самарадорлигини ошириш	
5.1	Корхона техникавий - иқтисодий модернизациясининг иқтисодий самарадорлик кўрсаткичлари ва уларни ҳисоблаш методи.	
5.2	«Омад маркет» савдо корхонаси техникавий даражасини аниқлаш ҳисоби ва унинг таҳлили	
5.3	«Омад маркет» савдо корхонаси салқинловчи жихозларни модернизациялаш билан самарадорлигини ҳисоблаш.	

6.	Савдо корхоналарида меҳнат муҳофазаси ва ёнғин хавфсизлигини таъминлаш.....	49
6.1	Савдо корхоналарида меҳнатни муҳофаза қилиш борасидаги эргономика, метрология талаблари ва шароитлари.....	49
6.2	Савдо корхоналарида электр ва ёнғин хавфсизлиги таъминлаш масалалари.....	51
	Хулоса ва таклифлар.....	55
	Фойдаланилган адабиётлар руйхати.....	60

Кириш

Мавзунинг долзарблиги:

Мамлакатимизда жадал суръатларда хизмат соҳасининг ривожланиши олдиндан узокни кўзлаган, мамлакатда юритилган бу борадаги сиёсатнинг маҳсули ҳисобланади.

Президентимиз И.А.Каримов ўзларининг маърузаларида мунтазам равишда бунга йўналтиришлари, вазифа қилиб беришлари катта аҳамиятга эга ҳисобланади.

Жумладан «Яқин истиқболдаги энг муҳим вазифамиз бошлаган ишларимизни изчил давом эттириш мақсадида социал соҳани ривожлантириш, меҳнатга ҳақ тўлашни янада ошириш, хизмат кўрсатиш секторини, инфратузилма объектларини ривожлантиришга, транспорт ва коммуникация лойиҳаларини амалга оширилишига алоҳида эътибор беришдир.»¹. Бу йўналишда “...ишлаб чиқаришни модернизация қилиш, техник ва технологик қайта жиҳозлаш, халқаро сифат стандартларига ўтиш бўйича қабул қилинган тармоқ дастурларини амалга оширишни тезлаштириш вазифаси қўйилмоқда. Ўз

¹Президентимиз И.А.Каримов 2010 йилги 12 ноябрда ўтказган «Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги “Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш” номли маърузаси. Тошкент - “Ўзбекистон” нашриёти- 53 бет

навбатида бу мамлакатимизнинг ҳам ташқи, ҳам ички бозорда барқарор мавқеъга эга бўлишни таъминлаш имконини беради”² деб таъкидладилар. “...иқтисодийни изчил ислоҳ этиш, таркибий жиҳатдан ўзгартириш ва диверсификация қилишни чуқур лаштириш, юқори технологияларга асосланган янги корхона ва ишлаб чиқариш тармоқларининг жадал ривожланишини таъминлаш, фаолият кўрсатаётган қувватларни модернизация қилиш ва техник янгилаш жараёнларини тезлаштириш ҳисобидан амалга оширилиши мумкин”³, деб курсатдиларганлари бежиз эмас.

Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий вазирлиги манфаатдор вазирликлар, идоралар, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари билан биргаликда ишлаб чиқилган 2012—2016 йилларда Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатиш соҳасини ривожлантириш Дастури қабул қилинди. Ушбу дастур бўйича 2016 йилгача мамлакатимизнинг ялпи ички маҳсулотида хизмат кўрсатиш соҳасининг улуши 55 фоизгача оширилишини назарда тутадиган 2012—2016 йилларда Ўзбекистон Республикаси бўйича хизмат кўрсатиш соҳасининг асосий турларини 2,2 маротаба ривожлантириш кўзда тутилган.

Ушбу дастур бўйича 2012-2016 йиллар Ўзбекистонда туристик хизматлар (меҳмонхона хизматлари билан бирга) – 2.3 марта, савдо ва умумий овқатланиш 2,4 марта оширилади. Шу жумладан, барча хизматлар Самарқанд вилояти бўйича 2,4 марта кўпайтирилади.

, ҳозирги вақтда савдо корхоналарида замонавий техник жихозларнинг кулланилиши жуда озчиликни ташкил этилади. Асосан замонавий жихозлар ката маркетларда супермаркет ва бошқаларда кулланилаётган бўлсада, купгина корхоналарда айниқса электрон техника жихозлари умуман кулланилмаяпти. еки қисман кулланилияпти, корхоналарни янги жихозлар билан таъминлаш учун корхона ҳолати жихозлар билан таъминланганлиги ва бошқаларни

² Каримов И.А. Жаҳон молиявий – иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари. – Т.:Ўзбекистон, 2009 йил -33бет.

³ Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислоҳ Каримовнинг 2011 йилнинг асосий яқунлари ва 2012 йилда Ўзбекистонни ижтимоий иқтисодий ривожлантиришнинг устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йил 20 январдаги “2012 йил Ватанимиз тараққиётини янги босқичга кўтарадиган йил бўлади”номли маърузаси.”Халқ сўзи” газетаси,2012 йил 20 январь.

аниқлаш долзарб илмий изланишлардан ҳисобланад Ана шу вазифадан келиб чиққан ҳолда, 2014-йилда изчил юқори ўсиш суръатларини, макроиқтисодий барқарорликни сақлаш ва иқтисодиётимиз рақобатдошлигини ошириш энг муҳим устувор йўналишимизга айланиши даркор. Жорий йилда мамлакатимиз иқтисодиётини 8 фоизга, саноатни 8,4 фоизга, қишлоқ хўжалигини 6 фоизга, асосий капиталга киритилган инвестициялар ҳажмини 11 фоизга, хизмат кўрсатиш соҳасини қарийб 16 фоизга ошириш ва ялпи ички маҳсулотда унинг улуши 53 фоизгача ўсишини таъминлаш вазифаси қўйилмоқда.

Хизмат соҳасининг муҳим тармоқларидан бири бусавдо корхоналари хизмати ҳисобланадиги улар ҳам барча соҳалар каби юртимизда жадал суратлар билан ривожланиб бормоқда. Жорий йилда савдо хизматлари ҳам 2,3 % ошириш вазифаси турибди.

Шулардан келиб чиққан ҳолда, магистрлик диссертация Самарқанд шаҳар савдо корхоналарининг моддий техник баъзаси, яъни унинг асосий фонди унинг таркибий қисми, жумладан савдо техник жихозларининг ҳолати ва унинг янгилалиши, замонавий мебеллар, электрон техник жихозлар ва бошқалар билан янгилалиши қуриб чиқилади, Худи шунингдек уларни танлаш ва янгиси билан алмаштириш методикаси кулланилиш тадқиқот ишларига бағишланган ва шунинг учун долзарб ҳисобланади.

Тадқиқотнинг объекти ва предметининг белгиланиши: Республикада, хусусан Самарқанд шаҳрида фаолият олиб бораётган савдо соҳаси субъектлари, ҳамда Самарқанд шаҳар «**Омад маркет**» савдо корхонаси тадқиқотнинг объекти бўлса, унинг **предмети:** Самарқанд шаҳар савдо корхоналари савдо техник жихозларини модернизациялаш билан савдо хизмат кўрсатиш самарадорлигини ошириш билан боғлиқ илмий-назарий ва услубий муносабатларни ташкил қилади.

Тадқиқот мақсади: диссертация ишининг мақсадини қуйидагича белгилашимиз мумкин: Савдо корхоналарининг техник модернизациясини сифатли ва самарадорли бажариш учун унинг моддий техник базасига замонавий электрон техника жихозлари ,салкинловчи ва совитиш жихозларини

, мебеллар ва бошқаларни куллаш билан самарадорлигини ошириш хисобланади.

Тадқиқот объекти сифатида . Самарқанд шаҳар «Омад маркет» савдо корхонаси материал техник базасини оламинг. Худди шунингдек тадқиқотнинг **предмети** булиб , мамлакатни модернизациялаш шароитида хизмат курсатиш корхоналари бўлиши савдо корхоналарининг техникавий модернизациясини сифатли ва самарадорли амалга ошириш хисобланади.

Диссертация мақсадидан келиб чиққан ҳолда қуйидаги вазифалар қўйилган:

- Самарқанд вилояти савдо корхоналарнинг модернизация инновацион ҳолатининг тадқиқоти;
- Самарқанд вилояти савдо корхоналарини модернизация инновацион ҳолатини баҳолаш (“Омад маркет” савдо корхонаси мисолида);
- Замонавий савдо жихозлари ва уларнинг эксплуатацияси тугрисида адабиётлар таҳлили;
- Самарқанд шаҳар «Омад маркет» савдо корхонаси материал техник базасини модернизациялаш билан самарадорлигини ошириш;
- Савдо корхоналарида меҳнат муҳофазаси ва ёнғин хавфсизлигини таъминлаш;

Тадқиқотнинг асосий масалалари ва фаразлари:

-Самарқанд вилояти савдо корхоналарнинг модернизация инновацион ҳолатининг тадқиқотини олиб бориш билан вилоят савдо корхоналарини модернизация инновацион ҳолатини баҳолаш (“Омад маркет” савдо корхонаси мисолида);

-Самарқанд шаҳар савдо корхоналари ишининг таҳлили асосида , уларнинг савдо техник жихозларини модернизациялаш билан савдо хизмат курсатиш самарадорлигини ошириш;

-Замонавий савдо жихозлари ва уларнинг эксплуатацияси тугрисида адабиётлар таҳлили олиб бориб Самарқанд шаҳар «Омад маркет» савдо

корхонаси материал техник базасини модернизациялаш билан самарадорлигини ошириш йулларини ишлаб чиқиш;

Мавзу бўйича қисқача адабиётлар таҳлили: Диссертация ишини бажаришда Ўзбекистон Республикаси Қонунлари, Президент И.А.Каримовнинг Фармонлари, Қарорлари ва асарлари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари, меъёрий ҳужжатлари. шунингдек, тадқиқот ишида мамлакатимиз ва чет эллик олимларнинг мавзу доирасидаги илмий ишлари, тавсиялари ва уларда қўлланилган методологик таъминоти асос қилиб олинди.

Агар биз муаммонинг ўрганилганлик даражаси ҳақида гапирар эканмиз унда , хизмат кўрсатиш соҳаси субъектлари фаолиятининг табиати ҳамда уларни ташкил этишнинг самарадорлигини ошириш муаммолари савдо корхоналари жихозлари самарадорлигини ошириш масалалари чет эллик олимлардан М.И. Белошапко, М.П.Могилный, В.И.Богушева ва бошқалар томонидан тадқиқ қилинган. Мустақиллик йилларида мамлакатимиз олимлари томонидан ҳам хизмат кўрсатиш соҳаси самарадорлигини ошириш бўйича қатор изланишлар олиб борилган. Хусусан, Ж.М.Курбонов, Т.О.Худойшукуров, Р.Нормухоматов бу борада олиб борган тадқиқотларини таъкидлаб ўтиш лозим бўлади. Лекин савдо корхоналарини замонавий жихозлар билан янгилаш, айниқса уларни автоматлаштириш билан самарадорлигини ошириш масалалари етарлича ёритилмаган.

Тадқиқотда қўлланилган услубларнинг қисқача тавсифи:

Диссертацияни бажаришда иш доирасидаги тадқиқотлар давомида статистика ва иқтисодий таҳлилнинг қиёслаш, гуруҳлаш, танлаб кузатиш каби бир қатор усуллардан фойдаланилади

Тадқиқот натижаларининг назарий ва амалий аҳамияти:

Тадқиқотнинг назарий аҳамияти соҳани ривожлантириш бўйича илмий тадқиқотларни амалга оширишда, уни ривожлантириш концепциясини ишлаб чиқишда фойдаланиш мумкинлиги билан белгиланади.

Тадқиқотнинг амалий аҳамияти эса Ўзбекистонда, хусусан Самарқанд шаҳрида умумий савдо соҳасида техник-технологик модернизацияни оширишида, олий ўқув юртлари , касб-ҳунар коллежларида ўқув жараёнларида фойдаланишлари мумкин. Савдо техник жихозлари, Савдо технологияси, Савдо сервиси каби фанларни ўқитишда услубий асос сифатида фойдаланиш мумкинлиги билан белгиланади..

Тадқиқотнинг илмий янгилиги: Савдо корхоналарининг техник модернизациясини сифатли ва самарадорли бажариш учун унинг моддий техник базасига замонавий электрон техника жихозлари ,салкинловчи ва совитиш жихозларини , мебеллар ва бошқаларни куллаш билан самарадорлигини ошириш ҳисобланади.

Самарқанд шаҳар савдо корхонаси мисолида савдо корхоналари иновацион ҳолатини аниқлаш йулларини ишлаб чиқиш;

Замонавий савдо техник жихозларининг эксплуатацион курсаткичлари таҳлилини олиб бориш;

Савдо техник жихозлари самарадорлигини ҳисоблаш методини куллаш.

Диссертация таркибининг қисқача тавсифи: диссертация кириш, учта боб, хулоса, адабиётлар рўйхатидан таркиб топган. Унда 18та жадвал, 6 та расм мавжуд. Ишнинг умумий ҳажми 104 бетдан иборат.

Кириш

Миллий хўжалик ва жаҳон иқтисодиётида юритимиз ва чет эл мутахассисларининг баҳолашлари бўйича хизматнинг келажакда жадал суръатларда ўсиши кузатилмоқда.

Ўзбекистон иқтисодиётини диверсификация қилиш ва таркибий ўзгартириш бўйича аниқ йўналтирилган комплекс чора-тадбирларни амалга ошириш натижасида хизмат кўрсатиш соҳасининг ялпи ички маҳсулотдаги улуши 2005 йилдаги 38,7 фоиздан 2011 йилда 50,5 фоизга ўсди. Ахборот-коммуникация, банк, суғурта, лизинг, сайёҳлик-экскурсия ва бошқа замонавий

юқори технологик ва бозор иқтисодиётига мос хизмат турлари илдам суръатлар билан ривожланмоқда.

Хизмат кўрсатиш соҳасини жадал ривожлантириш кўрсатилаётган хизматларнинг турини кенгайтириш ҳамда сифатини яхшилаш ва бунинг асносида мамлакат иқтисодиётини барқарор ва шиддатли ривожлантиришда, аҳолининг бандлигини таъминлаш, даромадини кўпайтириш ва фаровонлигини юксалтиришда хизмат кўрсатиш соҳасининг роли ҳамда аҳамиятини ошириш мақсадида ҳозирги вақтда Ўзбекистон Республикасида 2012-2016 йилларда хизмат соҳасини ривожлантириш дастури қабул қилинди. Бу бўйича Ўзбекистон Республикасининг Ялпи ички маҳсулотда хизмат кўрсатиш соҳасини 2011 йилга нисбатан 2016 йилгача 2,1 баробар ва улушини 55 фоизга етказиш кўзда тутилган.

Бундан кўриниб турибдики, ўтган йилларда хизмат кўрсатиш корхоналари сони ва уларда иш ўринларининг ўсиши кузатилган. Масалан, 2006-2011 йилларда хизмат кўрсатиш соҳасини тезкор ривожлантириш ҳисобига, авваламбор кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликда 1,1 млн. янги иш жойлари яратилди. Умуман олганда ҳозирги вақтда хизмат кўрсатишнинг ЯИМда улуши ишлаб чиқарилаётган товар ҳисобидан бўлмоқда (2011 йилда хизмат кўрсатиш улуши 52 фоиз бўлган, 2016 йилгача эса 55 фоизга етказилади).

Хизмат соҳасини умумий ривожланишида турли хизматларга бўлган эҳтиёжлар ошиб борди. Шунингдек, истеъмолчиларни ҳаёт фарвонлигини ошириш ва шинамлик индустриясини ривожлантириш (хусусан, йиғиштириш, таом тайёрлаш ва бошқалар хизматлар соҳасида) таъсири катта бўлди. Уй шароитида юқори технологик товарлардан (шахсий компьютерлар, мультимедияли аудио, видео техникалар, хавфсизлик тизимлари) фойдаланиш, уларни ўрнатиш ва уларга хизмат кўрсатиш бўйича мутахассисларга бўлган талабни ошишига олиб келди. Аммо, ишбилармонлик хизматларини, хизмат соҳаси корхоналари технологияси ва бозорларни такомиллаштириш, бозорни тадқиқот этиш билан боғлиқ маркетинг ишланмаси ва техник маслаҳатларини ўсиши сезиларли

бўлмади. Шунингдек, телекоммуникациялар техник (хусусан, компьютерлар ва абонент терминалларни таъмирлаш) сервис, видео телефон, уяли телефонлар, почта алоқаси объектлардаги электротехника, PAYNET тизими бўйича тўловларни қабул қилиш, электрон пул кўчириш, молиявий, банк (лизинг, аудиторлик, бухгалтерия ҳисобни олиб бор шва бошқалар), маиший хизматлар (пойабзал, соат, маиший электрон асбоблар ва бошқаларни таъмирлаш)ни етишмаслиги аниқланди.

Юқорида келтирилганлардан келиб чиққан ҳолда давлат томонидан хизмат соҳасини 2012-2016 йилларга мўлжалланган комплекс ҳудудий дастурларини ишлаб чиқиш бўйича талаблар шакллантирилди.

Ўтган йилда иқтисодиётимизга 11 миллиард 700 миллион доллар миқдорида ички ва хорижий инвестициялар жалб этилди ёки бу борадаги кўрсаткич 2011-йилга нисбатан 14 фоизга ўсди. Жами инвестицияларнинг 22 фоиздан ёки 2 миллиард 500 миллион доллардан ортиғини хорижий инвестициялар ташкил этди, уларнинг 79 фоиздан кўпроғи тўғридан-тўғри хорижий инвестициялардир.

2012-йилда хизмат кўрсатиш соҳаси ҳам юқори суръатлар билан ривожланди. Аҳолига кўрсатилган хизматлар ҳажми қарийб 15 фоизга ўсди, ушбу соҳанинг мамлакатимиз ялпи ички маҳсулотигади улуши эса бугунги кунда 52 фоиздан зиёдни ташкил этмоқда.

Бу жараёнда хизматларнинг юқори технологияларга асосланган ва бозор иқтисодиётига хос бўлган турлари жадал суръатлар билан ривожланмоқда. Жумладан, алоқа ва ахборотлаштириш хизматлари 24,5 фоизга, компьютер дастурлаш хизматлари 18 фоизга, технологик асбоб-ускуналарни таъмирлаш ва уларга хизмат кўрсатиш 17 фоизга, молия-банк хизматлари 17,6 фоизга ўсди.

Шу билан бирга, мамлакатимизда, айниқса, қишлоқ жойларда хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасида ҳали-бери фойдаланилмаётган катта резерв ва имкониятлар мавжудлигини тан олишимиз ҳамда бунга алоҳида эътибор қаратишимиз зарур.

1. Самарқанд вилояти савдо корхоналарнинг модернизация инновацион ҳолатининг тадқиқоти

Маълумки, инновация деганда модернизациянинг бош омили (ингл.innovation янгилик киритиш, новаторлик) янги жараён, маҳсулот ёки хизматнинг “янгилигига берилган инвестиция” натижасида амалиётга тадбиғини тушунамиз. Шунинг учун модернизациялашдагидек инновацион жараённинг (фаолияти) ривожланишига ҳам юқорида хулоса қилганимиздек: ижтимоий маданий, иқтисодий, интеллектуал ва техник технологик ва бошқа омиллар таъсир этади.

Россия системаси изланиш илмий изланиш институти (РНИИСИ) томонидан корхоналарни модернизациялаш учун унинг инновацион фаолиятига қаршилиқ кўрсатувчи ва уларнинг ривожланишига ёрдам берувчи омилларини аниқлаш омиллар гуруҳи, инновацион фаолиятга тўсқинлик этувчи омиллар ва инновацион фаолиятни ривожлантирувчи омилларни аниқлаб бердилар⁴.(жадвал 1).

Омил ва жадвалдан кўриняптики,ҳақиқатдан ҳам келтирилган омилларда асосий ўринни иқтисодий,ижтимоий маданий интеллектуал ва техник технологик ва бошқалар ўрин эгаллайди.

Жадвал 1

Корхона инновацион фаолият (жараён)га таъсир этувчи асосий омиллар

Омиллар гуруҳи	Инновацион фаолиятга тўсқинлик этувчи омиллар	Инновацион фаолиятни ривожлантирувчи факторлар
Иқтисодий, техникавий	Инновацион лойихаларни молиялаштиришда маблағларнинг етишмаслиги,моддий ва илмий техника базанинг етишмаслиги, жорий ишлаб чиқариш бўйича	моддий –техник ва молиявий захираларнинг, зарурий хужалик ва илмий-техник инфратузилмаларнинг борлиги

	кизикишларнинг устунлиги, захира кувватларининг камлиги	
Сиёсий, ҳуқуқий	антимонопол, солиқ, амортизация, патент лицензиялаш қонунлари томонидан чекланиш.	Инновацион фаолиятни кенгайтириш бўйича қонунларнинг чора тадбирлари (айниқса имтиёзлар), инновациянинг давлат томонидан қўллаб қувватланиши
Ижтимоий психологик, маданий	Ходимлар статусини ўзгартириш, янги иш излашга мажбур бўлиш янги ишни қайта режалаштириш, фаолият турини қайта дастурлаш, ахлоқ нормалари ва шаклланган удумларнинг бузилиши мавҳумликдан қўрқув, омадсизлик учун жазоланишдан қўрқиш каби оқибатларга олиб келувчи ўзгаришларга қаршилик қилиш	Инновацион жараёнларда қатнашувчиларни маънавий рағбатлантириш, умумий тан олиш, ўз-ўзини намоён қилишда имкониятлар билан таъминлаш. Мехнат жамоасида психологик муҳитни яратиш.
Ташқилий бошқарувли	- Қисқа муддатда ўз ўзини қоплашга йўналтириш, инновацион фаолият бўйича қатнашчиларнинг кизиқишлари билан мослаштиришнинг мураккаблиги режалаштиришда талабчанлик	Оргтузилманинг эгилувчанлиги, бошқаришда демократик услубга ёндашиш, горизонтал ахборот оқимининг устуворлиги, ўз ўзини режалаштириш, коррективроқларни ўтказиш, автономия, мақсадли ишчи гуруҳларни шакллантириш

Демак, корхона тадбиркорлик фаолияти амалиётида модернизация инновациянинг тадбиғида, уларга қандай омиллар қаршилик кўрсатиши ва қайсиларини жадаллаштиришимизни билишимиз учун уларни амалиётга синаш мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз.

Шунинг учун биз жадвалда келтирилган факторларнинг Ўзбекистон корхоналари бўйича, жумладан, Самарқанд вилоят савдо корхоналари бўйича таҳлилини олиб бордик ва қуйидаги натижаларни келтиришимиз мумкин.

Корхона инновацион жараёнига таъсир этувчи омиллар гуруҳидан: сиёсий, ҳуқуқий, ижтимоий-маданий, психологик ва бошқарув – ташкилий омиллар бўйича мустақиллик йилларида «Ўзбек модели» асосида ривожланганлигини Ўзбекистонда сервис тараққиётининг муваффақиятларидан кўришимиз мумкин.

Ҳақиқатда ҳам сиёсий ҳуқуқий соҳада: кўпгина қонунларнинг қабул этилганлиги, инновацион фаолиятни рағбатлантирилганлиги, давлатнинг бу борада бош ислохотчи бўлиши, социал маданий соҳада Республикада нормал психологик иқлимнинг, шароитнинг бўлиши; бошқарув ташкилий ишларда структуранинг демократия принципларига асосланганлиги, ўз-ўзини режалаштириш ва ҳ.к. буларга мисол бўла олади.

Шунинг учун биз Самарқанд вилоят савдо корхоналарининг модернизация инновацион ҳолатини ва унга таъсир этувчи факторларини аниқлашда асосий эътиборни иқтисодий, ишлаб чиқариш (техник технологик) ва бошқа омилларга қаратдик.

Самарқанд вилоят савдо корхоналарининг рўйхати бўйича, унинг жамлама сони вилоят районлари ва Самарқанд шаҳри бўйича куриб чикдик. Рўйхатда кўрсатилганидек вилоятда жами 191 савдо овқатланиш корхоналарида 111таси овқатланиш корхоналарга (ресторан, ошхона, кафе ва чойхоналар) ташкил этади. Рўйхатдаги корхоналар 2006 йилги Самарқанд савдо таъминот» ташкилотига қарашли самарали фаолият олиб бораётган савдо корхоналари қамраб олинди.

Инновацион ҳолатни аниқлашда биз сўров методини қўлладик. Барча корхоналарга (респондентларга) корхона (ташкилот) модернизация инновацион ҳолатига потенциал салбий таъсир этувчи омиллар кўрсатилган сўров анкетаси берилиб (сўров анкеталар шакли 3 иловада келтирилган) сўров ўтказилди. Сўров анкетасида кўрсатилган омилларнинг ҳар бирига

респондентлар томонидан тўрт хил жавобдан: асосий, аҳамиятли; аҳамиятсиз; жавоб беришга қийналаман деган жавоблардан бири бошланади. Сўров анкетасида келтирилган инновацион баҳолашнинг бундай сифат баҳолаш шкаласи универсал характерга эга бўлиб, сўровга қатнашган барча қатнашчилар қийналмай жавоб бериши мумкин. Шу билан бирга корхона қайси ташкилотга қарашли эканлигидан қатъий назар, бир хилда осон жавоб бериш мумкин. Сўров шкаласининг тўрт даражалиги жавоб берувчининг максимум ғ юқори даражаларни, минимум ғ пастки даражани қамраб олади.

Сўровга жами 17 факторни уч гуруҳга : иқтисодий (6та фактор), ишлаб чиқариш (6 та фактор), ва бошқа турдаги (5 та фактор)лар кўрилди.

Самарқанд шаҳар савдо корхонаси инновацион фаолиятига тўсқинлик этувчи факторлар 2012 йили ҳолати бўйича ўтказилган сўров натижалари жадвал 2 да келтирилган.

Жадвалда келтирилган жавоблар шуни кўрсатяптики, кўпчилик корхоналар иқтисодий факторлардан «ўз маблағининг инновацион фаолиятга етишмаслиги»

Жадвал 2

Самарқанд вилоят савдо корхонасини инновацион фаолиятига тўсқинлик қилувчи факторлар (2012 йил бўйича)

Омиллар	Инновацион фаолиятга тўсқинлик этувчи факторлар баҳолаш даражаси			
	асосий	аҳамиятли	аҳамиятсиз	Жавоб беришга қийналаман
Иқтисодий				
Ўз маблағининг етишмаслиги	106	34	18	33
Давлат томонидан молиявий ёрдамнинг	50	38	22	81

етишмаслиги				
Янги маҳсулотларга тулов истеъмолининг камлиги	23	23	24	121
Янги техника киритиш юқори қийматлиги	82	36	31	42
Иқтисодий хавф-хатар юқори	67	40	44	40
Янгиликнинг узок муддатга копланиши	40	28	20	103
Ишлаб чиқариш (технологик)				
Ташкилотнинг паст инновацион фаолияти	40	60	70	21
Малакали кадрларнинг етишмаслиги	66	40	40	45
Янги технологиялар бўйича ахборотнинг камлиги	98	25	28	40
Сотиш бозори хакидаги информациянинг камлиги	93	34	29	35
Корхонанинг янгиликни қабул қилиш қийинлиги	69	22	80	20
Илмий ташкилот ва бошқа корхоналар билан алоқанинг камлиги	60	83	20	28

Бошқа факторлар				
Истеъмолчининг инновацион маҳсулотга талабининг камлиги	50	80	20	41
Инновацион фаолиятни қўллаб қувватловчи норматив хужжатлар ва қонунларнинг етишмаслиги	60	70	30	31
Инновацион жараён муддатининг ноаниқлиги	40	60	80	11
Инновацион инфраструктуранинг ривожланмаганлиги	40	63	75	13
Технологиялар бозорининг ривожланмаганлиги	70	50	40	31

Сўров натижаларини таҳлил этишда биз А.Гусеев такдим этган⁵ инновацион фаолиятга қаршилик кўрсатаётган факторлар даражасидан салмоқлик коэффиценти билан ранжировкалаш методини қўллаймиз. Бунинг учун агар фактор «асосий» деб характерланса, унга максимал салмоқлик коэффицентини 1 га тенг деб олинади, «аҳамиятли» деганда 0,6 коэффицент, яъни 0,5дан катта бўлиб максимал 1 га яқин хисобланади.

Агар баҳолаш «аҳамиятсиз» дейилса, унга 0,2 коэффиценти тенглаштирилади. Охиргиси «жавоб беришга қийналаман» баҳосига 0 минимал коэффиценти берилади.

Хар бир факторни баҳолаш учун фактор қаршилик индекси ҳисобланади. Индексни ҳисоблаш учун қуйидаги формуладан фойдаланамиз:

$$I = \left[\frac{\sum_{i=1}^n (X_i \times Y_i)}{\sum_{i=1}^n X_i} \right] \times 100\%$$

Бу ерда: I – қаршилик индекси; n-инновацион фаолиятга берилган баҳолаш жавобининг сони (бизда n=4); i-жавоб вариантнинг тартиб номери; X_i - респондентлар сони (i-вариантга жавоб берганлар); Y-салмоқлик коэффициенти (i-вариантга жавоб) (Y=0,1; 0,6; 0,2; 0)

Шундай қилиб, I – индекси 0 дан 100%гача нормаллаштирилиб, 100% максимал қаршилик фактори ҳисобланади. Сўровда 17 фактор катнашганлиги учун биз уртача қийматини топамиз.

жадвал 3

Самарқанд вилоят савдо корхоналари инновацион фаолиятига қаршилик кўрсатувчи факторлар индексини баҳолаш.

№	факторлар	2009	2012	I-уртача
1	Иқтисодий			
1.1	Ўзлабблагининг етишмаслиги	68,06	68,10	68,08
1.2	Давлат томонидан молиявий ёрдамнинг етишмаслиги	40,41	38,91	39,66
1.3	Янги маҳсулотларга тулов истеъмолининг камлиги	21,78	31,17	26,47
1.4	Янги техника киритиш юқори қийматлиги	57,06	62,88	59,97
1.5	Юқори иқтисодий хавф-хатар	52,25	57,47	54,86
1.6	Янгиликнинг узок	31,83	29,54	30,68

	муддатга копланиши			
2	Ишлаб чиқариш (технологик)			
2.1	Ташкилотнинг паст инновацион фаолияти	47,30	43,24	45,27
2.2	Малакали кадрларнинг етишмаслиги	51,37	55,85	53,61
2.3	Янги техника технологиялар бўйича ахборотнинг камлиги	62,09	72,61	67,35
2.4	Сотиш бозори хақидаги информациянинг камлиги	62,40	73,15	67,77
2.5	Корхонанинг янгиликни қабул қилиш қийинлиги	51,41	56,03	53,72
2.6	Илмий ташкилот ва бошқа корхоналар билан алоқанинг камлиги	59,58	52,07	55,82
3	Бошқалар:			
3.1	Истеъмолчининг инновацион маҳсулотга талабининг камлиги	53,40	55,13	54,26
3.2	Инновацион фаолиятни қўллаб қувватловчи норматив хужжатлар ва қонунларнинг етишмаслиги	56,54	57,65	57,09
3.3	Инновацион жараён муддатининг ноаниқлиги	48,16	38,55	43,35
3.4	Инновацион	48,58	40,36	44,47

	инфраструктуранинг ривожланмаганлиги			
3.5	Технологиялар бозорининг ривожланмаганлиги	56,54	53,15	54,84

жадвал 4

**2009-2012 йилларда инновацион фаолиятга қаршиликлари гуруҳлар
фактори**

Омиллар гуруҳи	2009	2012	I-уртачаси
Иқтисодий	45,23	48,01	46,62
Ишлаб чиқариш (технологик)	55,69	58,82	57,25
бошқалар	52,64	48,96	50,8
Жами индекслар	51,18	51,93	51,55
барча жавоблар, бирлик	191	111	

Самарқанд вилоят савдо корхоналари инновацион фаолиятига қаршилик кўрсатувчи факторларнинг баҳоланишидаги ўртача қаршилик индекси –I хисобланиб , 2009 ва 2012йил учун жадвал 3 келтирилган.Худди шундай ўртача гуруҳ факторлар индекс ҳисоби жадвал -4 келтирилган.

2012 йилда бажарилган сўров тадқиқотида кўпгина корхоналар реструктуризация бўлганлиги натижасида бирлаштирилди, кўплари ўз фаолиятини тугатди. Айниқса, 2010 йил «Самарқандсавдо таъминоти» ташкилоти тугатилганда буларга қарашли бўлган вилоят бўйича корхоналар ўз ҳудудий бошқарувига ўтказилди. Умуман, 2010 йилда ўтказилган сўров 111/82 та асосий корхоналар бўйича олиб борилди.

Олиб борилган «Самарқанд вилоят саво корхоналари»нинг инновацион фаолиятига қаршилик кўрсатувчи факторлар индексини аниқлаш бўйича қилинган илмий-тадқиқот қуйидаги хулосаларни берди:

- қаршилик индексларни ичида максимал даражадагиси «корхона пул маблағининг етишмаслиги» ($I_{урт}=68,08\%$). Ундан сунг «янгиликни киритиш юқори қийматлилиги» ($I_{урт}=59,9\%$). ва «давлат томонидан молиявий ёрдамнинг камлиги» ($I_{урт}=39,66\%$). Ҳақиқатдан ҳам маблағ ресурсининг етишмаслиги корхонанинг қўшимча инвестицияларга муҳтожлигини ва ушбу ҳисоб натижалари тасдиқлайди;

- қаршилик индексининг минимал қиймати ($I_{урт}=53,72\%$). Бу ишлаб чиқариш (технологик) гуруҳидаги «корхонанинг янгилашларини қабул қилиш қийинлиги ҳисобланар экан. Демак, бундан шуни айтиш мумкинки, корхоналарнинг қарийиб 46 % инновацион янгиликка тайёр экан деб ҳисоблаш мумкин.

- қаршилик индексининг 1,2 ва 3,2 факторлари шуни кўрсатяптики 2006-2012 йиллар давомида кўзга кўринарли даражада давлат томонидан молиявий ёрдам берилмаганлиги, лекин бу ҳам етарли даражада эмас. Худди шунингдек, инновациянинг ҳуқуқий бошқарув фаолияти ҳам қонунлар билан ҳам таъминланмаганлиги етарли даражада эмас;

- хўжалик субъектларининг янги техника ва технологиялар ва бозорлар (2,3 ва 2,4 факторлар) тўғрисида кам информацияга эгалиги, корхоналарда замонавий телекоммуникацияларнинг талаб даражасида эмаслиги, тадбиркорлик хатарининг (1,5 факторлар) юқорилигини кўрсатади.

-корхоналарнинг инновацион салоҳиятининг пастлиги ($I_{урт}=45,27\%$ 2,1 фактор). ва малакали ходимларнинг етишмаслиги ($I_{урт}=53,61\%$ 2,2 фактор).

- қаршилик индексининг 1,3 ;1,4; 1,6 факторлари бўйича хўжалик субъектларининг тассавурида хали ҳам инновацион фаолият катта таваккалчилик қимматли зарар келтирувчи бўлиб кўриняпти;

Агар биз эксперт сўров ўтказилганлиги бўйича хулоса қиладиган бўлсак, унда қуйидагиларни белгилаш мумкин:

-корхоналар инновацион фаолияти тўғрисида эксперт сўров давлат статистика бошқармаси, тизими томонидан мунтазам равишда олиб бориш керак;

-сўров анкетасидаги саволларнинг кўплиги, унинг ишончилиги ва самарасини пасайтиради;

-мутахассисларнинг сўров анкетаси саволларига жавоб беришда сўров маданиятининг пастлиги, эътиборсизлик билан қараш ва бу соҳадаги билимнинг етишмаслиги сезилади;

-сўровда факторлар сонини кескин камайтириб, бир вақтнинг ўзида ҳам қарши факторлар ҳам корхонада олиб борилган (ёки олиб борилаётган) инновация бўйича факторларини ҳам келтириш ва сўровга асосан мутахассисларни жалб этиш лозим бўлади.

2. Самарқанд вилояти савдо корхоналарини модернизация инновацион ҳолатини баҳолаш (“Омад маркет” савдо корхонаси мисолида)


Олинган натижалар асосан корхона модернизациясида энг аввало иқтисодий, техник технологик ҳамда интеллектуал (малакавий кадрлар) ва бошқалар бўйича алоҳида инновацион изланиш олиб борилиши ва изланиш методини ҳам келтирилган камчиликлар бўйича бир мунча такомиллаштириш кераклиги сезилди. Шунинг учун биз “Омад маркет” савдо корхонаси мисолида кўриб чиқамиз.

Самарқанд вилоят савдо корхоналари инновацион ҳолатини изланишида биз корхона инновация фаолиятига қаршилиқ кўрсатувчи факторлар бўйича умумий овқатланиш корхоналари бўйича сўров ўтказилиб, қаршилиқ индексини ҳисобладик. Жумладан, “Омад маркет” савдо корхонаси бўйича ҳам ўтказилди. Лекин, ўтказилган сўров натижаларини ва ўтказиш жараёнида тахлилидан намоён бўлган камчиликларни эътиборга олган ҳолда, биз 2012 йил “Омад маркет” савдо корхонаси бўйича қайта сўров ўтказдик.

Сўров ўтказиш учун махсус 10 кишидан иборат сўров комиссияси ташкил этилди. (сўров комиссияси руйхати ва ўтказилганли тугрисида далолатнома илова 5 да келтирилган).


Сўров анкетасига бир вақтда инновацион қаршилик факторлари билан инновацияни ривожлантирувчи факторлар ҳам келтирилди. Инновацион қаршилик факторлари 17дан 8 тагача камайтирилди ва яна 6 та ривожлантирувчи факторлар берилди. Бунда, иқтисодий таъсир этувчи факторларга: ўз маблағининг етишмаслиги, юқори иқтисодий хавф хатар; сотув бозорлари ҳақидаги ахборонинг етишмаслиги; техник технологик факторларга: янги техника технологиялар ҳақидаги ахборотнинг етишмаслиги, янги товарга талабнинг ҳисобида: малакали кадрларнинг етишмаслиги инобатга олинди. Худди шунингдек, олинган натижалар бўйича инновацион ривожланишнинг кўрсаткичларининг сифат таҳлили ўтказилди ва иқтисодий ривожлантирувчи факторларга: Ўзбекистонда янги сотиш бозорларини яратиш; стандарт бўйича таъминланганлик ҳолати; техник технологик факторлар: меҳнат шароитини яхшилаш, маҳсулот сифатини яхшилаш, маҳсулот ассортиментини кенгайтириш; интеллектуал маданий факторлардан: малакали кадрларни кўпайтириш киритилди. Бунда икки гуруҳ инновацияга қаршилик кўрсатувчи ва корхона инновацион фаолиятини ривожланиш факторларини баҳолаш бажарилди. Баҳолашда биз интеграллашган 4 – баллик рейтинг баҳолаш методини (): 3-кўрсаткичнинг энг юқори даражаси; 2-уртача; 1-аҳамиятсиз; 0-таъсир даражасининг йуклигини қўлладик. Бундай методни қўллаш кўрсаткичлар нисбий таҳлилида конкрет аниқ кўрсаткичларни олишга ёрдам беради.

Корхона инновацион фаолиятига қаршилик кўрсатувчи факторлар рейтинг балли баҳолаш натижаси бўйича асосий факторлар салмоқлиги ҳисобланиб, натижалар 1 расмда келтирилган. Баҳоланган факторлар ичида корхона ўз маблағ ресурсларининг етишмаслиги (рейтинг 2,7) ва янги маҳсулотга бўлган талабнинг пастлиги (2,5) нисбатан баҳоланди. Худди шунингдек, корхонада малакали мутахассислар ва янги техника ва технологиялар ҳақидаги ахборотнинг етишмаслиги ушбу катта таъсир этмаганлигини кўрсатди (рейтинг 1,3 ва 1,4)



Расм-1. Корхонанинг модернизация инновацион фаолиятига қаршилик этувчи факторлар рейтинги..

Худди шундай корхонанинг 2008 -2012 йилдаги инновацион фаолиятининг ривожланишига таъсир этувчи факторлар таъсири рейтинги ўтказилиб, натижалари 2 расмда келтирилган.



Расм 2. Корхона инновацион фаолиятининг ривожланишига таъсир этувчи факторлар рейтинги.

Юкорида келтирилган изланиш натижалари буйича хулоса килиб шуни курсатиш мумкинки савдо корхоналарининг жадал ривожланиши учун унинг жихозларини замонавий жихозларга айникса махсулотларни совитиш ва савдо залларини салкинловчи жихозларни куллаш лозим булади. Шунинг учун куйида биз замонавий жихозлар буйича тулик маълумотга эга булиш учун улар буйича адабиётлар тахлилини утказамиз.

3. “Омад маркет” савдо корхонасининг самарадорлик кўрсаткичларининг таҳлили

Иқтисодиётнинг барча тармокларида, соҳаларида, жумладан савдода ҳам ўз фаолиятининг самарадорлигини ошириш улар тараккиётининг асосий омилидир. Самарадорлик натижа деган маънони англатади. Ижтимоий-иқтисодий самарадорлик – чегараланган ресурслардан оқилона, тежамли фойдаланган ҳолда эришилган натижани, яъни савдода аҳолининг истеъмол даражасини юксалтириш орқали тегишли рентабелликка эришишни англатади.

Самарадорлик «Эффект» тушунчасини англатади. «Эффект» латинча «effectus» сўзидан келиб чиқиб, бажарилиш ҳаракат, деган мазмунни билдиради. Иқтисодиётда «Харажатлар», «Ресурслар», «Натижа», «Самара» каби тушунчалар ишлатилади.

«Самарадорлик» нисбий меъёр бўлиб, нисбий кўрсаткичлар тизими орқали баҳоланади. Иқтисодий самарадорлик – бу натижа билан харажатларнинг солиштира кўрсаткичидир. Ресурслар самарадорлигини аниқлашда ишлатилган (харажат қилинган) ресурсларни фаолият натижаси (махсулот, товар сотиш, хизмат), яъни ишлаб чиқарилган махсулот, товар айланиш ҳажми, хизмат қиймати ёки даромад, фойда каби кўрсаткичлар билан солиштирилади.

Савдонинг ижтимоий-иқтисодий самарадорлиги унинг пировард мақсад натижасида ўз ифодасини топади.

Савдо корхоналарида самарадорликни ифодаловчи кўрсаткичларга қуйидаги кўрсаткичларни киритиш мумкин:

1. Асосий фондлар самарадорлигини ифодаловчи кўрсаткичлар;
2. Айланма маблағлар самарадорлигини ифодаловчи кўрсаткичлар;
3. Меҳнат ресурслари самарадорлигини ифодаловчи кўрсаткичлар.

Савдо корхоналарининг самарадорлигини ифодаловчи кўрсаткичларни асосий фондлар самарадорлигини ифодаловчи кўрсаткичларни аниқлашдан бошлашни лозим топдик

Кўпчилик иқтисодчилар асосий фондларни самарадорлигини «Фондларни қайтими», «Фондларни сиғими», «Фондларни рентабеллиги» каби кўрсаткичлар орқали аниқлашда тавсия қилишади. Амалиётда ҳам асосан, ушбу кўрсаткичлар ишлатилади. Уларни аниқланиш тартиби қуйидаги 2.3.1-жадвалда келтирилган.

.

Асосий фондларнинг сарфланган қисми унинг «амортизацияси»да ўз аксини топади ва шу сабабли «Асосий фондлар» ўрнига «амортизация» (А) суммасини ишлатиш мақсадга мувофиқ бўлади.

Истеъмол қилинган асосий фондларни қайтими ($АФ_{и.к}$) қуйидагича аниқланади:

$$АФ_{и.к} = \frac{ТА}{А}$$

Асосий фондлар сиғими эса ($АФ_{и.с}$) қуйидагича аниқланади:

$$АФ_{и.с} = \frac{А}{АТ}$$

2.3.1-жадвал.

Асосий фондларни самарадорлиги кўрсаткичлари

№	Кўрсаткичларнинг номи	Кўрсаткичнинг мазмуни	Кўрсаткични ҳисоблаш усули (формуласи)
----------	------------------------------	------------------------------	---

1	Асосий фондни кайтими ($A\Phi_{\kappa}$)	1 сўм асосий фондга қанча товар айланиши (чакана, улгуржи, оммавий овқатланишни) тўғри келишини англатади (ТА)	$A\Phi_{\kappa} = \frac{TA}{A\Phi}$
2.	Асосий фондлар сиғими ($A\Phi_c$)	Асосий фондларни кайтимини тескариси, яъни 1 сўм товар айланишига қанча асосий фонд тўғри келишини кўрсатади.	$A\Phi_c = \frac{A\Phi}{TA}$
3.	Асосий фондлар рентабеллиги, % ($A\Phi_p$) ҳисобида	Асосий фондларнинг 1 сўмига неча фоиз фойда тўғри келишини кўрсатади	$A\Phi_p = \frac{\Phi \times 100}{A\Phi}$

Асосий фондлар рентабеллиги ($A\Phi_{и.р}$):

$$A\Phi_{и.р} = \frac{\Phi \times 100}{A}$$

Асосий фондлар самарадорлигини таҳлил қилишда юқорида келтирилган кўрсаткичлар билан бирга қуйидагиларни ҳам ишлатишни тавсия қиламиз.

Чакана савдода чакана савдо шахобчалари савдо майдонини ишлатилиш коэффиценти (K_s)

$$K_s = \frac{ЧТА}{S_c}$$

Ушбу кўрсаткич 1 кв.м савдо майдонига қанча чакана товар айланиши тўғри келишини англатади.

Улгуржи савдода омборлар майдони ва улгуржи омбор товар айланиши ишлатилади. Худди шундай чакана товар айланиши (улгуржи омбор товар айланиши) кўрсаткичлар ўрнига фойда «Ф» ишлатилса, майдонларни рентабеллиги аниқланади.

Асосий фондларнинг самарадорлик кўрсаткичларини таҳлил қилиш учун бизлар 2.3.1-жадвални тузишни лозим топдик. Чунки асосий воситалар самарадорлиги таҳлил қилиш ҳозирги модернизация шароитида қўшимча маблағ сарфламасдан кўпроқ маҳсулот чиқаришга, пировард натижада эса фойданинг кўпайишига олиб келади. Демак асосий фондлар ҳар бир сўмга қанча маҳсулот чиқарганлик кўрсаткичи муҳим кўрсаткичлардан биридир.

Келтирилган 2.3.2-жадвал маълумотларидан қуйидаги хулосаларга келинди:

«Ориён» хусусий корхонасида соф фойданинг 2010 йилга нисбатан 2011 йилда -147659 минг (2680-150339) сўмга камайиши натижасида асосий воситаларнинг рентабеллиги 2010 йилдаги 94,5 % ($150339 \cdot 100 : 159173$) дан 2011 йилда 1.8 % ($2680 \cdot 100 : 151761$) га камайди, яъни 2010 йилга нисбатан 2011 йилда асосий воситаларнинг рентабеллиги -92,7 пункт (1.8-94.5) га камайди.

- асосий воситаларнинг маҳсулдорлиги (қайтими), яъни асосий воситалар 1 сўмига қанча маҳсулот сотишдан тушган тушум тўғри келишини аниқлаш қуйидаги натижаларга олиб келди. 2010 йилда асосий воситалар қайтими 0,9 сўм ($145680 : 159173$) ни ташкил этган бўлса, бу кўрсаткич 2011 йилда 0,3 сўмни ташкил этган. Бундан кўриниб турибдики, «Ориён» хусусий корхонасида асосий фондлар қайтими 2010 йилга нисбатан 2011 йилда -0.6 сўм (0.3-0.6) га ёки 38.0 % ($((0.3 \cdot 100 : 0.9) - 100)$)га камайганлиги салбий ҳолатдир. Бу эса «Ориён» хусусий корхонасининг 2011 йилда асосий воситалардан самарали фойдаланмаганлигидан далолат беради. Асосий воситалар қайтимининг пасайишига асосий сабаб қилиб, корхонанинг 2011 йилда маҳсулот сотишдан олган соф тушуми ҳажмининг 2010 йилга нисбатан -92928 минг сўм ($52752 - 145680$) га ёки 36.2% ($((52752 \cdot 100 : 145680) - 100)$) га камайганлигини кўрсатиш зарур. Лекин умумий хулоса чиқариш учун бошқа кўрсаткичларни ҳисоблаб чиқиш ва таҳлил қилиш лозим.

2.3.2-жадвал

“Омад маркет” савдо корхонаси асосий воситаларининг самарадорлигини ифодаловчи кўрсаткичлари таҳлили

(минг сўм)

№	Кўрсаткичлар номи	2010 йил	2011 йил	Фарқи (+;-)	Ўзгариш суръати, %
Ҳажм кўрсаткичлари					
1	Соф фойда	150339	2680	-147659	1,8

2	Сотилган маҳсулот хажми	145680	52752	-92928	36,2
3	Ялпи даромад	384377	106526	-277851	27,7
4	Асосий воситаларнинг қиймати	159173	151761	-7412,0	95,3
Нисбий кўрсаткичлар					
5	Асосий воситаларнинг рентабеллиги, % (1қ *100 : 4қ)	94,5	1,8	-92,7	1,9
6	Асосий воситаларнинг қайтими, сўм (2қ : 4қ)	0,9	0,3	-0,6	38,0
7	Асосий воситаларнинг сиғими, сўм (4қ : 2қ)	1,1	2,9	+1,8	263,3
8	Асосий воситаларнинг даромадлиги, сўм (3қ *100 : 4қ)	241,5	70,2	-171,3	29,1

Манба: “Омад маркет” савдо “Бухгалтерия баланси – 1- сонли шакл ” ва “ Молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисобот – 2 - сонли шакл ” маълумотлари асосида ҳисобланди

- «“Омад маркет” савдо корхонасида асосий воситаларнинг даромадлиги 2010 йилда 241.5 % (384377*100:159173) ни 2011 йилда эса 70.2 % (106526*100:151761)ни ташкил этган бўлиб, 2010 йилга нисбатан 2011 йилда 69.9 % ((70.2*100:241.5)-100)га камайган. Бу ҳолат салбий ҳисобланиб, бунини «Ориён» хусусий корхонасида ялпи даромад суммасининг -277851 минг сўм (106526-384377)га камайганлиги билан изоҳлаш мумкин.

Таҳлилнинг кейинги босқичида бизлар «Ориён» хусусий корхонасининг даромади ва фойдаси билан боғлиқ айланма маблағлари самарадорлигини ифодаловчи кўрсаткичларини таҳлилинини олиб боришни лозим топдик

Айланма маблағлардан фойдаланиш самарадорлигини аниқлаш учун қуйидаги кўрсаткичлар тизимидан фойдаланиш тавсия қилинади.

1. Айланма маблағларни (ёки ўртача товар захираларини) айланиш коэффиценти (Кай. ёки Кз.а) маротаба ҳисобида.

$$Кай. = \frac{ТА}{АйМ}; \quad Кз.а = \frac{ТА}{З}$$

Бу ерда: ТА- товар айланиши суммаси, кварталга ёки йилга) (чакана, улгуржи, оммавий овқатланиш);

$\overline{АйМ}$ - ўртача айланма маблағлар суммаси;

$\overline{З}$ - ўртача товар захиралари суммаси.

2. Ўз айланма маблағларини айланиш тезлиги коэффициенти (Кў.ай.)

$$K_{у.ай.} = \frac{ТА}{\overline{АйМ}_y}$$

Биринчи ва иккинчи банддаги кўрсаткичлар айланма маблағларни бир томондан бирор-бир даврда ишлатилиш ҳолатини кўрсатади, иккинчи томондан динамик қаторда таҳлил қилинса улардан фойдаланиш самарасини ҳам ифода қилади.

3. Айланма маблағларни (ёки товар захираларини) рентабеллиги (ёки даромадлиги) (Рай.м) қуйидагича аниқланади.

$$Р_{ай.м} = \frac{\Phi \cdot 100}{\overline{АйМ}(\overline{ёки\overline{З}})};$$

$$Р_{ай.м} = \frac{Д \cdot 100}{\overline{АйМ}(\overline{ёки\overline{З}})};$$

Айланма маблағларнинг самарадорлик кўрсаткичларини таҳлил қилиш учун бизлар 2.3.2-жадвални тузишни лозим топдик. Чунки айланма маблағлар самарадорлиги таҳлил қилиш, ҳозирги модернизация шароитида қўшимча маблағ сарфламасдан кўпроқ маҳсулот чиқаришга, пировард натижада эса фойданинг кўпайишига олиб келади. (2.3.3-жадвал)

Келтирилган 2.3.2-жадвал маълумотларидан қуйидаги хулосаларга келинди:

- айланма маблағларнинг айланувчанлиги 2010 йилда 859,8 кунни, 2011 йилда эса 2673,3 кунни ташкил этган. Бу кўрсаткичнинг 2010 йилга нисбатан 2011 йилда 1813,5 кун (2673,3-859,8) га ортганлиги салбий ҳолатдир. Чунки айланма маблағлар айланувчанлиги 1813,5 кунга узайган. Бу ҳолат 2011 йилда айланма маблағларнинг 391726 минг сўмга ошганлиги ва маҳсулотларни сотишдан соф тушум ҳажми 2010 йилга нисбатан 2011 йилда -92928 минг сўмга камайганлиги билан изоҳланади.

- Айланма маблағларнинг айланувчанлик коэффиценти (бир йилда савдо корхонаси хўжалик фаолиятида айланма маблағларнинг неча марта айланганлиги) 2010 йилда 0,4 марта ни ташкил этган бўлса, 2011 йилда бу кўрсаткич 0.1 мартани ҳосил қилган. Бу ҳам салбий ҳолатдир. Бу ҳолат ҳам 2011 йилда айланма маблағларнинг 391726 минг сўмга ошганлиги ва маҳсулотларни сотишдан соф тушум ҳажми 2010 йилга нисбатан 2011 йилда -92928 минг сўмга камайганлиги билан изоҳланади.

2.3.3-жадвал

“Омад маркет” савдо корхонаси айланма маблағлар самарадорлигини ифодаловчи кўрсаткичларнинг таҳлили (минг сўм)

№	Кўрсаткичлар номи	2010 йил	2011 йил	Фарки (+;-)	Ўзгариш суръати, %
Ҳажм кўрсаткичлари					
1	Соф фойда	150339	2680	-147659	1,8
2	Сотилган маҳсулот ҳажми	145680	52752	-92928	36,2
3	Ялпи даромад	384377	106526	-277851	27,7
4	Айланма маблағларнинг қиймати	347919	391726	43807,0	112,6
5	Дебиторларнинг қиймати	257931	204155	-53776	79,2
Нисбий кўрсаткичлар					
6	Айланма маблағларнинг айланувчанлиги кунларда (4қ*360:2қ)	859,8	2673,3	1813,5	310,9
7	Айланма маблағларнинг айланувчанлик коэффиценти, марта, (2қ : 4қ)	0,4	0,1	-0,3	32,2
8	Айланма маблағларнинг рентабеллиги, % (1қ *100 : 4қ)	43,2	0,7	-42,5	1,6
9	Айланма маблағларнинг даромадлилиги, % (3қ * 100 : 4қ)	110,5	27,2	-83,3	24,6

10	Дебиторларнинг айланувчанлик даври (5қ * 360 : 4қ)	266,9	187,6	-79,3	70,3
-----------	--	-------	-------	-------	------

Манба: “**“Омад маркет” савдо корхонаси** “Бухгалтерия баланси – 1- сонли шакл” ва

“Молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисобот – 2 - сонли шакл” маълумотлари асосида ҳисобланди

- Айланма маблағлар самарадорлигини таҳлил қилганда дебиторлик қарзларининг ҳам айланувчанлигини аниқлаш муҳим аҳамият касб этади. Бу кўрсаткич савдо корхонасининг дебиторлик қарзларининг ўртача неча кунда қайтиб келишини билдиради. «Ориён» хусусий корхонасида дебиторларнинг айланувчанлиги 2010 йили 266.9 кунни, 2011 йилда эса 187,6 кунни ташкил қилган. Бу «Ориён» хусусий корхонаси учун ижобий ҳолатдир. Бундан кўриниб турибдики корхонада дебиторларнинг айланувчанлиги 2010 йилга нисбатан 2011 йилда 79,3 кунга тезлашган. Бу ҳолат корхонанинг айланма маблағларининг айланишини тезлаштириб, хўжалик фаолиятининг ривожланишига олиб келади.

Айланма маблағлар самарадорлигини ифодаловчи асосий кўрсаткич бўлиб, айланма маблағлар рентабеллилиги ҳисобланади. Айланма маблағлар рентабеллилиги 2010 йилга нисбатан 2011 йилда -42,5 пунктга камайган. Бундай ҳолат жуда ҳам салбий ҳисобланади. Бу кўрсаткич савдо корхонаси ҳар бир 100 сўм айланма маблағларига қанча фойда олганлигини кўрсатади. Бу кўрсаткичнинг юқори даражада камайиб кетишига асосий сабаб қилиб «Ориён» хусусий корхонасида соф фойданинг 2010 йилга нисбатан 2011 йилда -147659 минг (2680-150339) сўмга камайишини келтиришимиз зарур.

Умуман олганда «**“Омад маркет” савдо корхонасида айланма маблағлар самарадорлигини ифодаловчи кўрсаткичлар таҳлилини 2010 йилга нисбатан 2011 йилда салбий томонга ўзгарганлигини кўриш мумкин.**

Бозор муносабатлари шароитида меҳнат ресурсларидан самарали фойдаланишнинг аҳамияти ошиб бормоқда. Шу туфайли энди **““Омад маркет” савдо корхонаси ялпи даромади ва фойдаси билан боғлиқ меҳнат ресурслари самарадорлигини таҳлили билан танишиб чиқамиз.** 2.3.4-жадвалда **““Омад**

маркет” савдо корхонасида меҳнат ресурслари самарадорлигини ифодаловчи кўрсаткичлар таҳлили келтирилган. Жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики, ялпи даромад ва фойда миқдори 2011 йилда ўтган йилга нисбатан анчага камайган. Бунинг натижасида меҳнат унумдорлиги ҳам 6608,9 минг сўмга камайган. Бу ҳолат асосан **“Омад маркет” савдо** корхонасида меҳнат ресурсларининг 2010 йилга нисбатан 2011 йилда 2 кишига ёки 13,3 % га кўпайганлиги ва маҳсулот сотиш ҳажмининг кескин камайиб кетиши натижасида содир бўлган. Бунинг натижасида меҳнат ресурслари даромадлилиги ва фойдалилиги кўрсаткичлари ҳам мос равишда 24.5% ва 1.6 % гача пасайган. Умуман олганда меҳнатнинг самарадорлигини ифодаловчи кўрсаткичлар бўйича **“Омад маркет” савдо** корхонаси салбий натижаларга эришган. Албатта, бу ўз-ўзидан бўлган эмас. Бунга бир қанча омиллар таъсир қилган. Таҳлил жараёнида қандай омиллар қайси кўрсаткичга қай даражада таъсир қилганлигини аниқлаш муҳимдир. Умуман олганда **“Омад маркет” савдо** корхонасининг нафақат меҳнат ресурслари билан боғлиқ кўрсаткичлари балки умумий тарзда унинг 2010 йилга нисбатан 2011 йилда олиб борилган хўжалик фаолиятини салбий баҳолаш тўғри булар, чунки юқорида қилинган таҳлилларимиз натижасида шундай хулосага келдик.

2.3.4-жадвал

“Омад маркет” савдо корхонасида меҳнат ресурслари самарадорлигини ифодаловчи кўрсаткичлар таҳлили.

№	Кўрсаткичлар	2010 йил	2011 йил	Фарқи (+,-)	Ўзгариши %
1	Маҳсулот ҳажми, минг сўм	145680	52752	-92928	36,2
2	Ялпи даромад, минг сўм	384377	106526	-277851	27,7
3	Соф фойда, минг сўм	150339	2680	-147659	1,8
4	Меҳнат ресурслари ўртача йиллик миқдори, киши	15	17	+2	113,3
5	Меҳнат ресурслари натижавийлиги, яъни меҳнат унумдорлиги, минг сўм (1к:4к)	9712,0	3103,1	-6608,9	32,0

6	Меҳнат ресурслари даромадлиги, минг сўм (2қ:4қ)	25625,1	6266,2	-19358,9	24,5
7	Меҳнат ресурслари фойдалилиги, минг сўм (3қ:4қ)	10022,6	157,6	-9865,0	1,6

Манба: “Омад маркет” савдо корхонаси “Бухгалтерия баланси –1-сонли шакл” “Молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисобот–2-сонли шакл” ва “Ходимлар ҳаракати тўғрисидаги 1-Т шакл” маълумотлари асосида ҳисобланди

Фикримизча “Омад маркет” савдо корхонаси раҳбар ва мутасадди ходимлари корхонанинг хўжалик фаолияти самарадорлигини оширишга оид масалаларга ҳозирги давр талабларидан келиб чиққан ҳолда янгича ёндошиш чора-тадбирларини ишлаб чиқишлари ва уларни хўжалик амалиётига қўллаш имкониятлари тўғрисида жиддий ўйлашлари лозим бўлади. “Омад маркет” савдо корхонасида мавжуд бундай муаммоларни ҳал қилиш юзасидан биз ўзимизнинг тавсияларимизни беришимиз зарурлиги келиб чиқади ва биз “Омад маркет” савдо корхонасининг асосий мақсади ҳисобланган фойдасини ошириш, мавжуд ресурсларидан самарали фойдаланиш ва ниҳоят хўжалик фаолиятини самарали ва оқилона ташкил этиши бўйича таклиф ва тавсияларимизни битирув малакавий ишимизнинг учинчи бобида тўхталиб ўтамыз.

4. Замонавий савдо жиҳозлари ва уларнинг эксплуатацияси тугрисида адабиётлар таҳлили.

4.1. Электрон назорат-касса машиналари

3.1-жадвалда савдода кенг қўлланилиб келаётган назорат-касса машиналарининг техникавий тавсифи келтирилган.

Назорат-касса машиналарини турли мамлакат корхоналарида ишлаб чиқарилаёпти. Агар “АМС-100Ф” машинасини Сосен асбобсозлик заводи ёки ОАО “КАСБН” Калугада (Россия) ишлаб чиқарилса, “Электроника92-06РФ”.

София шаҳри Болгариядаги “Электроника ЕАД” фирмаси томонидан, “Электронмаш-NGR2113-1103Ф”, “Электронмаш” (Россия, Санкт-Петербург); “ЭЛБЕС-01-03Ф” Тула асбобсозлик заводи (Россия); “SAMSUNG ER 4615 RF”ни Samsung electronics, Жанубий Кореяда ишлаб чиқарилган.


Жадвал 3.1

Назорат-касса машиналари техникавий тавсифлари

Кўрсаткичлар	Машиналар типии				
	АМС-100Ф	Электроника 92-06РФ	Электронма ш-NPE 2113	ЭЛБЕС-01Ф	SAMSUNG ER4615RF
Индикатор табло сони,	2	2	2	2	2
Табло разряди	13	8	10	9	10
Секциялар сони	4	10	30	9	15
Ишловчи кассирлар сони	4	4	6	39	4
Тармоқ ўчганда информация сақлаш вақти, соат	5000	-	-	1500	720
Информацияни хотирада сақлаш муддати, йил	5		5	6	
Кирилтилган сумма разряди	9	8	7	9	7
Кассирлар ва бўлимлар бўйича разрядлиги	10	10		10	10
Жами сўтчиқлар разрядлиги	16	15	12	14	12
Дастурланадиган товарлар миқдори	100	180	180	600	500
Клавишлар сони	33	38	35	39	59
Печат қилиш тезлиги, қатор/сек	4			2,5	3
Қуввати, Вт	25		20	25	25
Машина массаси, кг	5		14	11	18

Чек лентасининг эни, мм	57	38	38	37,5	44
Рулон диаметри, мм	15			80	83
Хизмат муддати, йил	6				

Электрон тарозидан эса назорат-касса машинасига товар оғирлиги ҳисобга олинган умумий баҳоси бериб борилади. Бунда алоқа касса режимида олиб борилади ва бунинг учун дастурий таъминот бўлиши керак (3.2-расм).



3.2-Расм. Назорат касса машиналари ташқи кўриниши:

1-клавиатура; 2-кассир индикатори; 3-истеъмолчи индикатори; 4-печатловчи қурилма; 5-печатловчи қурилма қопкоғининг қулфи; 6-ишловчи машиналар учун қулфлар; 7-машина шнур вилкаси; 8-пул қутиси; 9-тармоқ ёндиргичи.

Машина қулфи тўрт ҳолатда бўлиши, урта калити (кассир, бошқасир ва администрация ёки солиқ инспектори калити) бўлади; К – касса режими; О – ҳисобот режими; ОГ – ҳисобот режими ўчириш билан; П – дастурлаш режими; Т – машинанинг тестлаш режими; Р – захира режимида эканлигини билдиради ёки бошқа алоқа канали билан ишлаш режими.

Машина назорат лентаси ҳам ҳимояланган



3.3-Расм. SAMSUNG ER 4615RF электрон назорат-касса машинаси.


ЭКР 2101.1Ф – электрон назорат-регистрацияловчи машина кичик корхоналарга, электрэнергияси вақт-вақти билан ўчиб турадиган жойларга мўлжалланган. хотирага сақлаши мумкин.

ЭКР4101.2Ф – назорат-касса машинаси савдо корхонасида кенг кўламда фойдаланилади.


SAMSUNG ER 4615RF – электрон назорат-касса машинаси (3.3-расм) қуйидаги операцияларни: сотувни регистрацияси, пул суммаси ҳисоби, оралик ҳисоб-китоб, бериш, жамлаш, автоматик равишда печатга чиқариш; кредитга, нақд пулга, чекка сотишни бажариш, кирим – сарф касса операцияларини бажариш таралар ҳисобини олиб бориш, солиқ солиши ва ажратиш, упаковкани, қўшимча ва скидкаларни фоизини ҳисоблаш, валютани ҳисобини қилиш, оператор хатосини тўғирлаш, қайтариш, бекор этиш ва такрорлаш, калькулятор режимида ўтиш ва ҳ.к. операцияларни бажаришга мўлжалланган. Назорат-касса машинасининг барча ёзувлари рус тилида бажарилади. Машина комплектида ERP-300V икки секционли матрицали принтери бўлади. Фискал хотираси кунига 3000 жамланган маълумотни ёзиш имкониятига эга.

АМС-100Ф - автоном назорат-касса машинаси (3.4-расм), ҳисобни автоматик тарзда олиб боришга, бирламчи қайта ишлов ва назоратга қоғозни лентага регистрация этишга мўлжалланган.

Машина ҳам SAMSUNG машинаси каби кўп функцияли бўлиб, RS-232



3.4-Расм. AMC-100Ф назорат
касса машинаси



3.5-Расм. ЭЛЕКТРОНМАШ
- NGR2113-1103Ф назорат-касса
машинаси

инт
ер
фе
йс
бил
ан
пер
сон
ал

компьютерга ёки электрон тарозига чиқиши мумкин.

Электронмаш – NGR2113-1103Ф

(3.5-расм). NGR лицензияси билан Россияда ишлаб чиқарилади. Машина кассирга секция мудирига, корхона бошлиғига алоҳида-алоҳида ахборотлар тайёрлаб беришга мўлжалланган. Масалан, 32 кассирга парол бериши, ҳужжатларга ва чекга реклама ёзуви, кунлик ёки вақт-вақти билан молиявий ҳисобот бериши ва ҳ.к. бажариши мумкин.

ЭЛВЕС-01-03Ф – назорат-касса

машинаси, корхона талабига жавоб бериб: регистрация қилиш, ҳисоботларни чиқариши (ўчириб, ўчирмай), дастурлаш ва тестлашга мўлжалланган. Унинг фискали хотираси ҳажми 64 килобайт бўлиб, бир кунда 3000 дан ортиқ ёзувни бажариши ва парол билан ҳимояланиши мумкин.



3.6-Расм. ЭВКМ-15Ф
тарози-касса

регистрация қилишни бажаради.

Назорат-касса
машиналари ***эксплуатациясида,***
авваламбор машина ўрнатилган иш

ЭВКМ
Тарози

жойининг ёритилганлиги 450-500 лк. бўлиши лозим.

Машина индикаторига қуёш нурининг тўғридан-тўғри тушишини олдини олиш керак. Машиналар 220 В кучланишли разеткалар орқали уланганда уларда ерга улаш сими ҳам бўлиши керак. Хонадан ташқарида қўлланиладиган автоном энергияда ишловчи бўлади. Оператор-кассир иш ўрнига пул яшиги ва унинг устига назорат-касса машинаси ўрнатилса мақсадга мувофиқ бўлади.

Ишдан олдин машина печат қилиш қурилмасини ишга тайёрлаш керак. Бунинг учун машинага назорат ва чек лентаси солинади, ранглайдиган кассета қўйилади. Машинани ишга туширишда сонли клавиатура билан число, ой, йил формасида иш куни соат ва минутлар кўрсатилиб вақт белгиланади. Сўнг тўрт кассирлар номеридан бири киритилади ва кассирнинг пароли берилади. Охирги, олтинчи парол сони киритилгандан сўнг кассир индикаторига машинанинг ишга тайёрлиги ҳақида хабар беради. Агар парол нотўғри бўлса, унда машинада товушли сигнал пайдо бўлиб қайта киритишни тавсия этади.

Машинани ишлатишда бажарилган тўғри ҳаракатлардан сўнг машина: дастурлаш, ёки касса режими, кўрсаткичларни олиш ва ўчириш, ЭВМ билан ёки тарози билан ишлаш, тест ўтказиш режимларидан бирига ўтказилади ва ишлатилади. Бу режимларда ишлаш тартиби ҳар бир машина техникавий паспортига батафсил келтирилган.

Нazorат-касса машиналарининг эксплуатация ишларининг аниқ қўйилиши, улардан самарали фойдаланишни, ҳамда овқатланиш корхоналарида хизмат кўрсатишни тезлаштиради.

Нazorат-касса машиналарга ишлаш учун, маълум тайёргарликдан ўтган, техника хавфсизлиги ва электрхавфсизлик қоидалари билан танишганлар қўйилади.

Ишдан олдин кассир корхона жавобгар шахсидан (директори, катта кассир ва ҳ.к.) касса калитини олади. Биргаликда, счётчик кўрсатмаларини касса китобига ёзади. Шундан сўнг, кассир машинага чекли ва назорат лентасини солади, иш вақти ва кунини белгилайди, бир икки маротаба суммаси қўйилмаган синов чекларини чиқаради. Бу билан, кун, вақт, шифр, машина

номери, печатининг сифати текширилади ва машинанинг тўғри ишлашига ишонч ҳосил қилинади. Шундан кейин, кассир иш бошлайди. Ишнинг охирида раҳбар билан биргаликда, яна счётчик кўрсатмалари назорат лентасига белгиланади ва кассир китобига ёзилади, калит раҳбарга берилади.

Назорат-касса машиналарининг ҳар доим тоза бўлиши, бегона нарсаларнинг олдида бўлмаслиги, ҳар бир қисмнинг санитария-техникавий ҳолати талаб даражасида бўлишини таъминлаш лозим.

4.2. Касса POS-терминали ва системаси

Ишончлиги бўйича ишлаб чиқарувчи компониялар бўйича баҳолаш мумкин. Бундай баҳолашни эксперт фирмалар бериши мумкин. Масалан, «Софт-СИБ» фирмаси: NGR, IBM, Fujitsu, Штрих-М, ForPOSt чет эл ва Россия ишлаб чиқарувчиларини ўзининг эконо-класси билан текширилган четки жиҳозлари ва ишончли фискал регистраторлари учун олувчиларга таклиф этишади.

Функционаллиги бўйича POS-терминаллар тўғридан-тўғри унинг дастурий таъминланганлигига боғлиқ бўлади (касса дастури). Касса дастури барча савдо жараёнларни: пулни қабул қилиш операцияси, қайтариш, сортлаш, турли тўловлар ва бошқаларни ёрдам бериши керак. Замонавий дастурларда турли маркетинг дастурлари: чегирмалар, бонуслар, **акциялар** ўтказиш ва ҳ.к. киритиш мумкин бўлади. Худди шунингдек, кассирнинг санкцияланмаган ҳаракатларидан ҳимоя этиши, маълумотларни сақлаши, справочникларни оператив равишда ўзгартира олиши, видеокузатишни бажариши, навбатни тезлаштириши керак.

«Софт-СИБ»

мутахассисларининг фикрича, ҳозирги вақтда энг кўп қўлланиладиган касса дастурларига: «профи-Т», «Штрих-М: Кассир», «Frontol», «Advanced Store Si Retail» киради экан.

Ҳозирги вақтда POS-терминалларнинг икки: моноблочные ва дисперсные модули синфи мавжуд.

Россия назорат-касса машиналари классификаторида POS-терминал деб, фискал хотирали, персонал компьютерлар кириши ва чиқиш имкониятлари мавжуд, информацияларни сақлаши, қайта ишлов бериши ва тасвирлаши мумкин бўлган назорат-касса машинаси тушунилади. POS-система деб, фискал регистратор асосидаги назорат-касса машинаси, фақат компьютер-касса системасида ишловчи, алоқа тармоғидан маълумот олиб ишловчи комплекс система тушунилади.

POS-системалари икки гуруҳга: «монобрендли» ва «йиғма»га бўлинади, биринчисида таркибида махсус система блоки, бир ишлаб чиқарувчи периферия фискал регистратор бўлиши назарий томондан тақлиф этилса, иккинчисида фискал регистратор, оддий система блоки ва турли ишлаб чиқарувчилар перифериясидан йиғилади.

Ҳозирда замонавий симсиз сканерларга талаб кучаймоқда. Кўп тарқалганлари PSC, NCR ФИРМАЛАР МАХСУЛОТИ Ҳисобланади. Қуйида биз ҳозирда кўп тарқалган POS-система, терминаллар турлари, тузилиши, тавсифлари ва ишлаш йўллари билан танишамиз.

POS-системалар



3.7-расм. POS-терминал BEETLEPOS-K.

POS-терминал BEETLEPOS-K –

савдо корхоналари учун мўлжалланган модули POS-система ҳисобланиб, ўзига немислар сифати, ишончилиги ва замонавий дизайни билан ажралиб туради (3.7-**расм**).

BEETLEPOS-K махсус халқаро улгуржи тармоқлар (IKEA, METRO CASH&CARRY ва ҳ.к.) катта касса линияли ва истеъмолчи жадал оқимли магазинларга мўлжалланган.

POS-терминал BEETLEPOS-Kга турли периферий жиҳозларни улаш билан бирга EPSON TM-U210, U220 матрицали принтерни, TH210 иссиқлик принтерларини ва ҳаракатланувчи ёки кассетали пул яшигини ҳам ўрнатиш мумкин (3.2 ва 3.3-жадваллар). Бу терминал халқаро CALYPSO касса системасининг баъзали модели ҳисобланади.

Жадвал 3.3


POS-терминал BEETLEPOS-K системасининг периферий жиҳозлари тавсифи

Кассир дисплейи	МО-33/34
	• VGA, монохромли, 9” / SVGA, рангли 10”
	BA-72A
	• TFT, SVGA, сенсор (опция), 12,1”

Истеъмолчи дисплейи	BA63
	• VFD; 2x20 символли; • Ўрнатилиши – тагликда штативда
Клавиатура ТА-85 кассир дисплейи билан BA69	
	Кассир дисплейи BA69 • 5.7” LCD, VGA, монохромли Клавиатура ТА-85 • 84 клавиш - 14 сонли ва 70 дастурий • Кириш қулфи – 6 позицияли • Карта санагичи - 3 йўлли • BA69 кассир дисплейини монтаж қилиш мумкин
Пул яшиги (юқорига очилади)	КА-21
	• Икки ҳолатда очиладиган қулфи (кассетасиз), нейтрал (дастурли очиладиган). • 4 асосий (ўлчами ўзгаради) ва 1 қўшимча бўлими ҳужжат ва чеклар учун • 8 бўлими танга учун (2-ўлчами ўзгарувчан)

	• DC24V электр манбаи • Ўлчамлари 102 x 461 x 163 мм, очиладиган қопқоғи билан 242 x 461 x 163 мм • Оғирлиги 2,7 кг
Пул яшиги (ҳаракатли)	КА-18
	• 2 қулф ҳолати - нейтрал (дастури очилади), ёпик; • 8 бўлими танга учун; • 4 асосий банкнотлар хонаси (ўлчами ўзгарувчан) ва 1 та қўшимча ҳужжат ва чеклар учун; • ўлчамлари: 110 x 394 x 455 мм • оғирлиги: 10,5 кг
Чеклар принтери	
	• бир станцияли иссиқликпринтери TH210 • бир станцияли матрицали принтер EPSON TM-U220

Ҳозирги вақтда Ўзбекистон Давлат реестрида турли хилдаги савдо касса терминаллари модели киритилган, шулар қатори рус ва лотин алфавитли IPC POS-IIS CIIF касса терминали супермаркетларда қўлланилияти (3.8-расм).



3.8-расм. IPC POS-IIS CIIF касса терминали.

IPC POS-IIS CIIF касса терминали – умумий схема кўринишдан кўриништи, ушбу POS-системасининг периферий қурилмаларига: стационар яссимайдонли ёки ҳаракатланувчи штрих код сканери, магнит карталар сановчиси, истеъмолчи ва кассир дисплейи, чеклар принтери, пул яшиги киради.

IPC POS-IIS CIIF терминалида махсус «Супермаг-универсалли касса модули» (Супермаг-УКМ) дастури киритилган.

IPC POS-IIS CIIF электрон назорат-касса машинаси IPS Corporation фирмаси томонидан ишлаб чиқарилади ва тўлиқ IBM – қўшма ва махсус Россия ва МДХ давлатларига қўллаш учун ишлаб чиқарилади.

POS-терминал

POS-терминал (Point of Sale) – бу махсус электрон техника бўлиб, турли мақсадларга: банк учун, мобил алоқа учун ва ҳ.к. ишлаб чиқарилади.

POS-терминаллар савдо-сервис корхоналарида махсус касса аппарати ёнида ўрнатилади ва магнит тасмали ёки чип карточкаларни информациясини санада ва банк билан банк карточкаси орқали операция ўтказиш, авторизация ўтказиш учун қўлланилади.

POS-терминал Ingenico 7910, асосан клавиатура, принтер, график экран, магнит карталарни ўқиш қурилмаси, микропроцессор картасини (чипларни) ўқиш қурилмаси, заряд олиш разёми, RS232 уланиш портидан таркиб топган (3.13-**расм**).



3.13-расм. POS-терминал Ingenico 7910 умумий кўриниши.

Улар кўпинча алоқа тўловини тўлаш учун қўлланганлиги учун мобильный POS-терминали ҳам деб аталади.

NURIT3020

(Lipman

компанияси) (3.14-расм)– тўлов POS-терминали, асосан улгуржи савдода қўлланилади. Бошқалардан ажралиб турувчи хусусияти унинг акумлятор (UPS) батареяси ҳисобланиб, 1 соатли зарядли қурилмаси ва модем тезлиги 14400 бит/сек, оддийлардан (2400 бит-сек) 6 маротаба кўп ҳисобланади. Унинг модеми, катта операцион имкониятларга эга, у TCP/IP протоколини қўллаб, тўғридан-тўғри Worldwide Web га уланади. Микропроцессори 32-битли бўлиб, операцияларни ўта тезликда бажаради. Улар асосан магнит карта тўловида ишласада тезликда смарт-картага ва PIN PADга ҳам мослаштирилади.

Агар қисқача тавсифи ҳақида гапирсак: енгил., кам жой эгаллайди, 20 клавишли, ката график дисплейли, ички ёритгичи 128x64 pixels, энергияга боғлиқ бўлмаган 512 KB RAM хотирали юқловчига 4 MB (maximum) flash – хотирали, 12 қатор/сек график иссиқ принтер (қоғоз лентасининг эни 57 мм, матн режими 24 ёки 40

колонкали) турли тилда шрифти, порти 2xRJ-11 2/6 портли (телефон линияси ва телефон учун), 1xRJ-11 4/4 порти PIN PAD (RS-232)ни улашга, 1xRJ-45 порти RS-232 учун; аккумулятори 5 соат тўхтовсиз ишга мўлжалланган, 1 соатда зарядланади; телефон модеми 14400 бит/сек, смарт-карт қабул қилувчиси бор, 32 битли процессори, маълумотларни ҳимояловчи RAM диски.

NURIT-8000

(Lipman

компанияси) (3.14-расм)– электрон тўлов радио терминали 4-авлод бўлиб, эни кичик, лекин қуввати катта терминал ҳисобланади. Унинг кичиклигидан «кафтдаги терминал» номини олган. Унинг ёрдамида электрон имзо, EWV стандартдаги смарт-картни қўллаш мумкинлиги, «Palm-like» функционал имкониятли, тўла ҳимояланганлиги, транзакция (тўлов) вақтида карточка харидор қўлида туради.



NURIT-3020,

NURIT-8000

3.14-расм. NURIT-3020, NURIT-8000 POS-терминали.

Ушбу POS-терминалларнинг

дастурланиши, ишлатиш қоидалари ва улар билан хизмат кўрсатиш тартиб қоидалари POS-системаларга ўхшаш ҳисобланади. Албатта, улар турли туман бўлиб, ўзига хос хусусиятларига, махсус кўрсатмаларига ҳам эга, улар билан тўлиқ POS-терминаллар паспортларида ва интернет материалларида тўла келтирилган.

4.3. Электрон тарозилар

Электрон тарозилар ҳозирги вақтдаги энг замонавий тарозилар ҳисобланиб, интенсив равишда савдо корхоналарида савдода ёрдамчи хоналарида қўлланилаяпти. Дунёнинг салоҳиятли фирмалари: IBM, Xerox, Toshiba, Siemens, Epson, Canon, Panasonic ва ҳ.к. турли тарозилар ишлаб чиқишганки, улар корхоналарда қўлланилиб келинаяпти.

ВЭ-15Т, ВЕ-15ТЕ, ВЕ-15ТЕ.2, ВП-15Т.2, ВП-15Ф2, ВЕ-6ТЕ, ВЕ-6ТЕ2, ПВ-6, ПВ-15, ПВ-30 электрон тарозилар Россияда, Санкт-Петербургда “Масса-К” АО ишлаб чиқарилган бўлиб, ҳозирги вақтда овқатланиш ва савдо корхоналарида кенг қўлланилмоқда.

Электрон тарозилар техникавий тавсифи 3.5-жадвалда келтирилган.



3.17-расм. “МАССА-К” АО да ишлаб чиқарилган электрон тарозилар.

Электрон тарозилар техникавий тавсифи

Тарози модели	Ўлчаш чегараси, кг	Дискрет кўрсатиши	Интерфес	Хотира сизими, товар ҳолида	Белгилаш сони	Ўлчаш тип	Ўлчаш вақти	Қуввати, Вт	Массаси, кг	Габарити, мм
ВЭ-15Т	15	2/5	RS-232	7	8	Тензометрик	2	15	10	365x357x505
ВЕ-15ТЕ	15	5	RS-232	8	6	Тензометрик	2	15	10	365x357x505
ВЕ-15ТЕ.2	15	2/5	RS-232	8	3	Тензометрик	2	15	10	365x357x505
ВТМ-150Т	150	50					4	15	45	250x125x80
ВТМ-300Т	300	100					4	15	45	805x100x40
ВТМ-600Т	600	200					4	15	45	815x620x140
LP-06, LP-06R	5	2	RS-232C	200	7	Тензометрик	2	100	10,2	210x385
LP-15, LP-15R	15	5	RS-232C	200	5	Тензометрик	2	100	10,2	210x385
LP-30, LP-30R	30	10	RS-232C	200	6	Тензометрик	2	100	11	210x385

Кореянинг CAS фирмаси томонидан тортиш юкининг миқдорига қараб LP-06, LP-15, LP-30 тарози моделлари ишлаб чиқарилган (3.19-**расм**). Бу моделларда ёзувлар рус тилида берилган бўлиб ахборотларни сақловчи хотирага эга (товар номи, сорти, тортиш кучи, ишлатилиш муддати, баҳоси, фирма номи ва ҳ.к.) бўлиб, дастур орқали бошқарилади. Уларни ҳам локал системага, компьютерларга улаш мумкин. BW-LC106E электрон тарозилар BIZERBA фирмаси томонидан ишлаб чиқарилиб, унинг тортиш қуввати 40 г. дан 6 кг., 10 г. дан 15 кг. бўлишади, платформасида товар силжимаслиги учун бўрттирилган бортлар мавжуд. Уларда ҳам етарли даражада хотира ва қўшимча воситалар мавжуд.



3.19-расм. LP-06, LP-15, LP-30 электрон тарозиларнинг умумий кўриниши.

4.4 . Салкин ичимликлар тайёрлаш, қуйиш аппаратлари ва уларнинг эксплуатацияси.


Узлукли ҳаракатли сатуратор қурилмаси газли сув тайёрлашга ва истеъмолчиларга сироп билан ёки сиропсиз беришга мўлжалланган. Газли сув, тоза сувнинг карбонат ангидрид гази билан аралаштириш натижасида

олинади. Тайёр газли сувда газ миқдори 0,7 % бўлса, 1 литрда 4 г. CO_2 бўлиши керак.

Узлуксиз ҳаракатли сатуратор қурилмаси автосатуратордан - АС-1; газ балонидан, редуктор, сув совитгич ва стакан ювгичдан иборат.

АС-1 сатуратор механизми метали асосга бириктирилиб прилавкага ўрнатилади. Механизм ғилофланиб пломбланади. Ғилофнинг олдинги томонига сув, сироп қуйиш крани бўлади. Унинг орқа томонига сироп учун иккита колба ўрнатилади. Автосатуратор унумдорлиги минутага 6-8 доза сув қуйишга тенг (дозаси 180 ± 10 мл газли сув ва 20 ± 1 мл сироп).

Экспресс кофе қайнатгич қисқа вақтда кофе тайёрлашга мўлжалланган (расм 3). Улар электр тармоғига, сувтармоғига ва ерга уланади. Кофе қайнатгич комплектида кофе майдалагич ҳам бўлади.




Расм 3. “Омнио люкс” кофе қайнатиш аппарати:

1-блок-крани; 2, 7-ёпгич; 3-чашка тагликли жавон; 4-манометр; 5-корпус; 6-кофе қуйиш кнопки; 8-сув даражасини назорат рубкаси; 9-сув қуйиш ва буг чиқариш трубкаси.

Савдо ва овқатланиш корхоналарида “Балатон”, “Омниолюкс” (расм-4), “Казино”, “Универсал”, “Лайма”, “Балатонлюкс” Венгрияда ишлаб чиқарилган кофе қайнатгичлар қўлланилади. Улар бир-биридан блок кранининг сони (1 дан 4 гача) билан дизайни, сув иситиш қозони ва кофе катламидан қайноқ сувни зўрлаб ўтказиш билан фарқ қилади. Сувнинг

зўрлаб ўтказилиши қозонда ҳосил бўлган буғ кучи билан ёки қўл кучи ёки гидравлик куч билан ҳаракатга келтирилган поршен билан бажарилади.

“Воронеж-3” аралаштиргич қурилмаси (расм 5) коктейл тайёрлаш учун мўлжалланган бўлиб, сотув прилавкаларида қўйилиб ишлатилади.



Расм 4. “Воронеж-3” аралаштиргич қурилмаси:
1-корпус; 2-ДК-3 электродвигатели; 3-льопльоль; 4-винт; 5-переключатель; 6-дампа; 7-паррак; 8-лайтариш халъаси; 9-тумблер; 10-луйиш ричаги; 11-скоба; 12-стакан; 13-рейка; 14-катушкали фильтр; 15-конденсатор; 16-предохранитель; 17-вилкали шнур; 18-ерга улаш болти; 19-девор; 20-пружина; 21-ъчиргич; 22-винт.

ОН-30 ичимлик совитгич тинган ичимликларни (шарбат, алкогольсиз ичимликлар) совитиш ва олдиндан совиган температурасини ушлаш учун мўлжалланган бўлиб, бочкачаларининг сонига қараб икки хилда ОН-30-2, ОН-30-3 ва комфортлиги билан ОН-30-2Л ва ОН-30-3Л типиди ишлаб чиқилган.

Пиво ва квас қуювчи қурилмалар изотермик стационар цистернадан қуйиб беришга мўлжалланган. Улар махсус цистерналарда олиб келиниб, стационар изотермик цистерналарга солинади ёки кичик махсус бочкаларда олиб келинади.

Ичимликлар тайёрлаш, қуйиш аппаратлари эксплуатациясида, уларга қуйилган эксплуатация қоидаларининг тўғри бажарилиши, жиҳозлар унумдорлигини оширади, хизмат кўрсатиш сифатини яхшилайд.

Пиво (квас) қуйиш ва тарқатиш қурилмаларини ишлатгандан сўнг, цистерналарининг ички сирти яхшилаб ювилиши, тозаланиши керак. Бунинг учун, унинг душига сувтармоғидаги крандан шланг ёрдамида сув уланади. Меъёр ўлчагич қопқоғини очиқ ҳолда қолдирилиб, сув крани очилади. Ювиш 10-15 мин. давом этади. Шундан сўнг, ишлатилган сув воронка орқали канализацияга юборилади. Вақт-вақти билан ёзда ҳар 15 кунда, куёшда ҳар 30 кунда сув ўлчагич яхшилаб ювилиб, махсус раствор билан дезинфекция қилинади ва яна тоза сув билан яхшилаб ювилиб жойига ўрнатилади.

4.5. Савдо залларини салқинловчи аппаратлари ва уларнинг эксплуатацияси.

Хоналардаги ҳаво температураси ва намлиги ташқи ҳаво температураси ва намлигидан фарқ қилади, шунинг учун уни хоналарга бериш учун маълум кондициягача қайта ишлов бериш керак бўлади. Бу ҳавони қайта ишлаш жараёни ҳаво кондициялаш дейилади.

Кондициялашда – хоналарда автоматик равишда температурани, нисбий намликни, тозаликни, ҳаво таркибини ва оқими тезлигини, одамларнинг ўзини яхши сезиши ва комфорт бўлишини, савдо-технологик ишларнинг олиб борилиши, савдо жиҳозлари ва товарларнинг яхши сақланишига автоматик равишда шароит яратишга тушинилади.


Кондиционерлар Panasonic, Mitsubishi, Daikii ва бошқа чет элда фирмаларида ишлаб чиқилса, юртимизда Самарқанд “Sino” ОАЖ томонидан ҳам ишлаб чиқарилаяпти.

Ишлаб чиқарилаётган кондиционерлар ўрнатиш жойи бўйича деразали, полусти, девордаги, потолокли ва мульти (аралаш) турли бўлиши мумкин.

SRC255 кондиционер модели Mitsubishi фирмаси томонидан ишлаб чиқарилиб, уч-беш тезликли вентилятор ва икки системали жалюзали бўлиб,


совитилган ёки иситилган ҳавони ҳам вертикал, ҳам горизонтал ҳолатга бир текисда ҳаво етказиб беришга мўлжалланган.

Кондиционер ишлаш вақтида совитиш ёки иситиш режимини ўзи танлаб олиши ва хонадаги ҳавони тезликда совитиш ёки қиздириши мумкин (14-**расм**).



5-Расм. SRC255 кондиционери

Кондиционернинг асосий элементларининг ташқи ва ички блокларда боғланиш схемаси 5-**расм**да берилган. **Sino-KFR-35 GW/DO2 сплит-системали деворий кондиционер** (16-расм) хоналарда температура ва комфорт шароитини яратишга мўлжаллангандир. Сплит-системали кондиционер, ички қисми хонанинг деворига ва ташқи қисми – ташқарига ёки бошқа хонада ўрнатилади.



7-Расм. Sino-KFR-35 GW/DO2 сплит-системали деворий

Кондиционерларнинг техникавий тавсифлари 5.-жадвалда келтирилган.

Жадвал 5.

Самарқанд “Sino” ОАЖ кондиционерларининг техникавий тавсифи


Кўрсаткичлар номи	Ўлчов бирилиги	Sino KFR- 50GW/06	Sino KFR- 35GW/DO2	Sino KFRL- 70LW/D06
Совитиш унумдорлиги	Вт	5000	3500	7000
Қуввати	Вт	1850	1270	2800
Ток кучи	А	9,9	5,8	13
Ҳаво унумдорлиги	м ³ /час	780	560	950
Иссиқлик унумдорлиги	Вт	550	3900	7700
Қуввати	Вт	1700	1800	2650
Ток кучи	А	7,8	5,9	12
Кучланиш	В	220	220	220
Габарити,	мм			
ички блок				
бўйи		1014	783	1850
эни		320	270	610
баландлиги		190	190	340
ташқи блок				
бўйи		800	654	845
эни		680	1535	685
баландлиги		300	256	300
Массаси	кг			
ички блок		14	10,4	40
ташқи блок		42	34	55

Кондиционер деворий бўлганлиги учун у масофадан бошқариш пульти

орқали бошқарилади. Пулт инфрақизил нур тарқатувчи курилма билан таъминланган бўлиб, ички қисмида жойлашган температурани кўрсатувчи курилма билан ҳамоҳанг ишлайди.


Кондиционерни хонада ўрнатиш схемаси 9-расмда берилган.

Sino KFRL-70L W/DO6 колона
типи “қиш-ёз” кондиционери, сплит-



8-Расм. Кондиционерни ўрнатиш схемаси.

системалидан унумдорлиги, тузилиши бўйича фарқ қилади. Кондиционер ташқи ва ички блоклардан ташкил топиб, асосан овқатланиш залларида фойдаланиши мумкин (17-**расм**).



9-Расм. Sino KFRL-70L W/DO6 колона типли “қиш-ёз” кондиционери

Салқинловчи аппаратлари эксплуатациясида уларнинг ўрнатилиши, фойдаланишда қўйилган талабларга риоя этиш, ўз вақтида техникавий хизмат кўрсатиш муҳим ўрин тутди.

Кондиционерларни эксплуатацияси вақтида, уларнинг филтрлари тозаланиб турилиши керак.

Ҳаво филтрини тозалаш учун, олдинги девори очилиб, ҳаво филтри олинади. Ундан кейин чанг ютгич ёрдамида ёки температураси 40 °C бўлган илиқ сув билан тозаланади ва тоза филтрлар яна ўз ўрнига қўйилади. Кондиционер махсус филтрларини тозалашда ҳам, филтр ажратиб олиниб, унинг хусусиятини ўзгартирмасдан тозалайдиган восита билан тозаланади.

Кондиционерлар юзасини совунли илиқ сувга намлатилган юмшоқ материал билан тозаланади, сўнг қуригунича артлади.

Кондиционерларнинг эксплуатация вақтида бўлиб турадиган носозлиги ва уларни бартараф этиш йўллари 6-**жадвалда** берилган.

Жадвал-6

Кондиционерларнинг эксплуатациясидаги носозликлар ва уларни баратараф этиш йўллари

Носозликлар	Носозликларни бартараф этиш йўллари
Кондиционер ишламаяпти	Текширинг, балким таймер кечки тартиби ўрнатилган
	Текширинг, балким кондиционер 3-минутлик ҳимоя тартибида турибди
	Электр тармоғида ток борлигини текширинг
	Электр токи автоматини ва ҳимоя симини текширинг
	Электр ўтказувчи сим уланиши жойини ва розеткасини текширинг
Совуқлик бериш	Кераклик ҳароратни ўрнатилганлигини текширинг

етарли эмас	Ҳаво фильтрини текширинг
	Ҳаво кириш ва чиқиш жойлари тўсиғига эга эканлигини текширинг
	Хонага кўп қуёш нури иссиқлиги тушаяпти
	Хонада ҳаво алмашишига тўсиқ қилувчи предметлар кўп
	Хонада одам сони кўп
Иссиқлик бериш етарли эмас	Ўрнатган ҳарорат керагидан паст
	Хона шамолланияпти
	Ҳаво кириш ва чиқиш жойи ёпилган
	Фақат вентилятор тартиби ишламоқда
	Ҳаво фильтрини текширинг
Шофқин	Кондиционерни маҳкам ўрнатинг
	Ҳамма маҳкамловчиларни қаттиқ тортинг
	Кондиционерга ёндашган предметлар йўқлигини текширинг
Компрессор тез-тез ёниб ўчмоқда	Электр токи кучланиши паст
	Кондиционер электр токига бошқа асбоблар билан биргаликда уланган
	Ташқаридан келаётган иссиқ ҳаво оқими йўқлигини текширинг
Узоқдан бошқариш пулти ишламайпти	Узоқдан бошқарувчи пултда батарейкалар борлигини текширинг
	Узоқдан бошқарувчи пулт батарейкаларининг тўғри қўйилганлигини текширинг

5. Самарқанд шаҳар «Омад маркет» савдо корхонаси материал техник базасини модернизациялаш билан самарадорлигини ошириш.

5.1. Корхона техникавий - иқтисодий модернизациясининг иқтисодий самарадорлик кўрсаткичлари ва уларни ҳисоблаш методи.

Савдо корхоналарни ишлаб чиқаришида инновацион техника ва технологиянинг тадбиғи корхона иқтисодий самарадорлигига қанчалик таъсирини олдиндан аниқлаш муҳим ҳисобланади.

Янги техниканинг уммуий овқатланиш корхонасида қўлланилиши иқтисодий самарадорлигини аниқлаш учун В.И.Шалун⁶таклиф этган. Ҳар бир ишлаб чиқариш маҳсулотга (ишга) келтирилган сарф харажат ҳисоби

⁶ Шалун В.И.Общественное питание на новый технический уровень.-М:Экономика 1987г.45-84с.

методикасидан фойдланамиз. Бунда бир хил ҳажмда бажарилган маҳсулот ёки бажарилган ишга энг кам сарф харажат қилган инновацион тадбир самарали деб ҳисобланади.

Корхона иқтисодий самарадорлигини ҳисоблаш методининг асосий формулалари, уларни ташкил этувчи кўрсаткичлари 1 жадвалда келтирилган. Ушбу методда бир ва бир неча вариантни қиёслаш билан иқтисодий самарадорликни ҳисоблаш мумкин. Йиллик иқтисодий самарадорлик ҳисоб йилидан олдинги ҳолат билан таққосланади. Бизда 2012 йилгача ҳолат билан 2013 йил модернизация йили ҳисоби бажарилган.

Модернизация йилида келтирилган харажатлар ишлаб чиқариш ва муомала харажатларни ва ишлаб чиқариш фондига қўйилмалардан иборат бўлади. Шу билан бирга капитал қўйилма иқтисодий самарадорлигини норматив коэффиценти инобатга олиниши лозим бўлади. E_n норматив коэффицентни 0,15га тенг деб олдик.

Корхона йиллик иқтисодий самарадорлиги бу йиллик ышқилма ва ишлаб чиқариш, муомала харажатлар суммасида ифодаланган, техникавий тадбирларнинг тадбиридан келиб чиқган фойда ҳисобланади.

Корхона асосий фондига қўйилган капитал қўйилмалар: янги техникани олиш, уни келтириш, монтаж қилиш, қурилиш харажатлари, техникавий хизмат кўрсатиш ва бошқалардан иборат бўлади.

Жадвал 7

Корхона иқтисодий самарадорлигини ҳисоблаш методи асосий формулалари

№	Кўрсаткич номи	Ҳисоблаш формуласи	Изоҳ:
1	Келтирилган харажат	$Z = I + E_n K_{пф}$	Z —маҳсулот(иш) бирлигида келтирилган харажат.сўм/дона,сўм/кг ва х.к I — ишлаб чиқариш ва муомила харажатлар сум/дона, E_n —капитал қўйилма

			норматив иқтисодий самарадорлик коэффи- циенти, $E_n-0,15$ $K_{нф}$ -ишлаб чиқаришга фондига маҳсулот бир- лигида қўйилган капи- тал қўйилма, сўм/дона, сўм/кг ва ҳ.к.
2	Йиллик иқтисодий самарадорлик	$\Xi=(3_1-3_2) \cdot A_2$	3_1-3_2 -маҳсулот бирли- гидаги харажатлар. 1,2 – индекслар ишлаб чиқаришда янги техни- кагача, ундан сўнг A_2 -тадбиқдан сўнгги йиллик маҳсулот иш- лаб чиқариш ҳажми, дона, кг, порц. ва ҳ.к.
3	Янги техника тадбиғининг иқ- тисодий самара- дорлиги	$\Xi=(\Pi-E_n \cdot K) \cdot A=[(B-I)-E_n K] \cdot A$	Π -фойда, сўм K -капитал қўйилма, сўм B -ялпи даромад, сўм I -ишлаб чиқариш ва муомала харажатлари A -ҳисобот йили йиллик ишлаб чиқариш маҳсу- лот ҳажми, дона, сўм, кг
4	Асосий фондга капитал қўйилма	$K=K_{об}+K_d+K_m+K_n$	$K_{об}$ -жиҳозни олиш учун капитал қўйилма, сўм K_d -янги техникани кел- тириш харажати K_m -янги техника монтаж харажати, сўм K_n -янги техника учун бинони таъмирлаш ва уни ўрнатиш хаража- ти, сўм
5	Корхонани тех- никавий қайта куроллантириш	$K=K_{об}+K_d+K_m+K_n+K_{дм}+K_{ос}-K_{л}$	K_n -бинонинг кенгай- тирилиш харажатлари, сўм $K_{дм}$ -демонтаж харажат- лар, сўм $K_{ос}$ -алмаштириладиган жиҳоз қолдиқ баҳо- си, сўм $K_{л}$ -ликвидация қийма- ти, сўм

